2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 73 (1399), 2025 йил 10 апрель, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, СОҲАГА САРМОЯДОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА НАТИЖАДОРЛИК МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3 миллиард 500 миллион долларга етди, бу соҳада 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди.

Ҳудудларда туризм ва сервис инфратузилмаси жуда тез ривожланяпти. Хусусан, ўтган 8 йилда 6 миллиард 500 миллион доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган.

Бугунги кунда 20 та туризм қишлоғи фаолият юритяпти. Паркент туманининг “Олтин бел” чўққисида халқаро даражадаги янги тоғ-чанғи зонаси барпо этиляпти.

Аслида, юртимиз тарихи, маданияти ва табиатига асосланиб, сайёҳларни яна 2-3 карра кўпайтириш мумкин. Лекин айрим ҳудудларда йўл ва транспорт ноқулайлиги, кўнгилочар жойлар ва қизиқарли дастурлар етишмаслиги каби камчиликлар бор.

Шу боис, йиғилишда жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шароитларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Масалан, Сариосиё туманининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, қишки туризм учун катта салоҳият мавжуд. У ерда дор йўли, меҳмонхона ва савдо-сервис хизматлари соҳасида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Чортоқ тумани ҳам гўзал табиати, шифобахш суви билан машҳур.

Мутасаддиларга шу каби 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бугунги кунда “BBC”, “Euronews” каби нуфузли телеканалларда, 20 дан ортиқ халқаро кўргазмаларда Ўзбекистонга саёҳат кенг тарғиб қилинмоқда. Виза тартиблари соддалаштириляпти, замонавий самолётлар олиб келиняпти.

Бу имкониятлардан фойдаланиб, соҳадаги салоҳиятли бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Айни пайтда Миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилмоқда. Энди унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам уланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган ягона туристик карта жорий қилинади.

Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор кучайгани учун маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етди. Лекин ҳалигача бошқа вилоятларга саёҳатга бормаганлар кўп топилади.

Шу боис, энди ҳар ойнинг бир шанба-якшанбаси “оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш куни”, деб эълон қилинади. Ёшлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йўлланмаси совға қилинади.

Соҳадаги яна бир йўналиш — маданий мерос объектлари. Охирги 4 йилда 327 та шундай мажмуа реставрация ва консервация қилинди. Ҳозир яна 485 та объект таъмирталаб.

Бу ишларга хусусий секторни жалб этиб, бизнес лойиҳа қилиш мумкинлиги айтилди. Маданий мерос объектларини ижарага беришни такомиллаштириш, уларга тушумларни рақамлаштириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Туризм бўйича олий таълим муддати 4 йилдан 3 йилга камайтирилиб, дуал тизимга ўтказилди. Энди бунинг давоми сифатида, талабаларни амалиёт ва ишлаш учун хорижга юбориш яхши самара беради.

Умуман, бундай имкониятлар эвазига бу йил 15 миллион туристни жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги инвестициявий лойиҳалар таҳлили бўлди.

Бу йил биринчи чоракнинг ўзида Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Кувайт ва Францияга ташрифлар чоғида 39 миллиард долларлик 178 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Яқинда Самарқандда ўтган саммитда Европа Иттифоқи Марказий Осиёга 12 миллиард евро ажратишини маълум қилди.

Мамлакатимизда 2025 йилда 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш кўзда тутилган. 81 та йирик, 8 мингдан ортиқ ўрта ва кичик лойиҳа амалга оширилиши, донор ташкилотлардан 2 миллиард доллар грант ҳамда банклар томонидан 6 миллиард доллар жалб қилиниши белгиланган.

Йиғилишда бу борадаги имкониятлар ҳудудлар ва ҳамкор мамлакатлар кесимида таҳлил қилинди.

Масалан, илгари инвестор бормаган, темир йўл ёки магистраль йўл ҳам ўтмаган Олтинсой туманида 100 миллион долларлик 3 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ёки Қўшработда гранит тош қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича 75 миллион долларлик 2 та янги лойиҳа бошланган. Изланса, бундай имкониятлар ҳар бир ҳудудда бор.

Ўтган ойда Лондонда “Ўзбекистон инвесторлари куни” ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида 2 миллиард 770 миллион доллар жалб қилиш бўйича келишувга эришилди. Бундай тадбирларни Нью-Йорк, Сингапур, Гонконг, Дубай, Шанхай, Токио, Истанбул каби бизнес марказларида ҳам ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Хусусийлаштиришга оид катта дастур ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, 49 та корхонадаги давлат улуши халқаро бозорда сотилиши, 15 та йирик давлат корхонаси евробонд чиқариши мўлжалланган. Булар ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш учун улкан имконият.

Шу ойда Жиззахда, июнда эса Тошкент шаҳрида халқаро инвестиция форумлари ўтказилади. Уларда инвесторларга тақдим қилинадиган лойиҳалар жамланмасини пухта шакллантириш зарур.

Халқаро молия институтлари билан янгича тизимда ишланаётгани туфайли йил бошидан буён 706 миллион доллар ўзлаштирилди. Иссиқлик станциялари, ҳудудий электр тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, автойўл ва темир йўл тизимларидаги лойиҳалар анча олдинга силжиди.

Лекин вақтида бажарилмаган ёки асоссиз чўзилаётган ҳолатлар ҳам бор. Бундан кейин тайёр лойиҳага ўзгартириш киритиш фақат Ҳукумат доирасида кўриб чиқилиши, қўшимча ишлар лойиҳа тугагач, тежалган маблағ ҳисобидан бажарилиши таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирда халқаро молия ташкилотлари билан энергетика, транспорт, аграр, коммунал ва ижтимоий соҳаларда 20 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чет эллик шериклар мамлакатимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаяпти.

Жумладан, ўтган ойларда Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Франция ривожланиш агентлиги, Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакиллари Қорақалпоғистон, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарёга бориб, 200 га яқин тадбиркор билан ишлади. Қисқа вақт ичида 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни молиялаштиришга келишилди.

Бош вазир ўринбосарига бу амалиётни тизимга айлантириб, бошқа ҳудудларда ҳам яна камида 3 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, хорижий давлатлардаги элчилар ва соҳадаги тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

ЎзА

ШАҲАРСОЗЛИК БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ РЕНОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни шаҳарсозлик реновациясининг ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Шу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди. Жумладан, ўтган йили 100 минг хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилган бўлса, бу йил янада кўп — 130 мингдан ортиқ хонадон режа қилинган.

Яқин йилларда аҳолимиз сони 40 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Бундай ўсишда йилига 140-150 минг хонадонга талаб пайдо бўлади. Бу ҳар йили қўшимча 2 минг гектар ер керак, дегани. Лекин ер майдонлари ҳам чекланган.

Бундай ҳолатда реновация дастури қўл келади. Масалан, республикада 17 мингта 2-3 қаватли эски уйлар бор. Улардаги шароит, муҳит бугунги замонга муносиб эмас. Электр, газ, сув ва бошқа инфратузилмалар эскирган, кўпларида оқова тармоғи ҳам йўқ.

Шуларнинг ўрнида замонавий уйлар қурилса, ҳозиргидан 3 баробар кўп аҳоли жойлашади. Асосийси, хонадонларда янги коммуникация, иссиқ ва совуқ сув, оқова тармоғи бўлади. Одамлар озода, шинам ва файзли шароитларда яшайди. Бу орқали минглаб оилаларнинг турмуш даражаси ўсади, муҳими, улар ушбу шароитларни илк бор ўзлари ўсиб-улғайган жойда ҳис этишни бошлайди.

Яна бир муҳим томони — энергия тежамкорлик масаласи. Турар жойлар яхлит бўлса, инфратузилма тармоқлари, энергия кам сарфланади.

Ҳозиргача бу борада ягона ҳужжат йўқ эди. Шу боис, хорижий тажриба асосида, “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимотда реновация тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий томонлари кўриб чиқилди.

Бундай дастурлар 3 босқичда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Аввал, шаҳар ва туманларда реновацияга мос ҳудуд танланиб, лойиҳа ишлаб чиқилади. Мулкдорларга янги уй ёки компенсациялар таклиф қилинади. Барча мулкдорлар билан келишувлар яккама-якка, нотариал тартибда тасдиқланади. Лойиҳалар учун ҳар бир ҳудудда реновация жамғармалари ташкил этилади.

Иккинчи босқичда реновация дастури ҳудудий ва республика кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, қурилиш ташкилоти аниқланади. Учинчи босқичда уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Реновацияга тушган ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам ошади. Янги уйларнинг 1-2-қаватларида савдо, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқаришлар бўлади. Шунингдек, бу тизим орқали 20 минг гектар ер тежалиши ҳисоб-китоб қилинган.

Хусусан, биринчи босқичда реновация асосида 20 минг хонадон қурилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни, аввало, у ерда яшовчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тизимли ва адолатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда мутасаддилар, туман ҳокимлари ва уларнинг тегишли ўринбосарлари реновация тартиб-қоидалари ва ишни тўғри ташкил қилиш чоралари бўйича қўшимча ўқитилиши айтилди.

Реновация ҳудудларини инфратузилма билан таъминлаш, девелопер ва қурувчи ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

ЎзА

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУСЛАР МАЖМУИ

Парламентлараро Иттифоқнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган 150-юбилей Ассамблеяси сайёрамиздаги глобал ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларга оқилона ечим топиш, инсоният осойишта ва фаровон яшаши учун муносиб шароит яратиш, тинчлик ва тараққиётни таъминлашда парламентлараро алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муҳим мулоқот майдонига айланди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон руҳи

ҚАДИМ ТУРКИСТОНДА ЖАМ БЎЛДИ ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Ҳа, аҳли олам нигоҳи бир неча кун давомида кўҳна Турону Туркистон заминидаги улуғ юрт — Ўзбекистонга қадалди. Ер юзи зилзила гирдобидаги дарахт каби қалтираб, титраб турган таҳликали замонда жаҳондаги 140 га яқин давлатдан келган сиёсатчилар, парламент аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари ўзбек тупроғида бир давра, бир дастурхон атрофида ўтириб, инсоният тақдирига таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, давлатлар, миллатлар ўртасидаги борди-келдиларни кучайтириш чоралари ҳақида фикрлашди, муҳим қарорлар қабул қилди.

Зотан, бугун дунё янгича қоидалар асосида яшамоқда. Кечқурун уйқуга кетиб, эрта тонгда сизни нималар кутаётганини, катта-катта минбарлардан яна қандай баёнотлар, даъволар янграшини тахмин ҳам, тасаввур ҳам қила олмайсиз. Россия ва Украина, Исроил ва Фаластин ўртасидаги можаро, Ғазода ёш болалар ва аёллар ўлимининг охири кўринмаётгани, Суриядаги вазият, Эрон — АҚШ муносабатларидаги кескинлик, Ливандаги нотинчлик, яккаланиб қолган Афғонистон, қудратли давлатлар ўртасида бошланган ва авж олаётган “бож жанги”, АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасидаги совуқлик, БМТга ишончсизлик, халқаро қонун-қоидаларни менсимаслик ва ядровий таҳдидлар фонида Ўзбекистонда иккита йирик халқаро анжуман ўтгани чин маънода эътиборга лойиқ бўлди. Жаҳон аҳлининг Ўзбекистонга эътибор, эҳтиром ва меҳру муҳаббатини янги поғоналарга олиб чиқди.

Давоми 2-бетда

ТЎРТ МУҲИМ ВОҚЕЛИКДАН ҚУВВАТЛАНАЁТГАН ЖАҲОН

Сўнгги икки ҳафтада Марказий Осиё ҳаёти жуда катта тарихий воқеаларга бой бўлди. Ана шу йирик ҳодиса марказида янги Ўзбекистон тургани, мамлакатимиздаги туб ислоҳотлар сабаб Марказий Осиё руҳи пайдо бўлгани алоҳида эътиборга молик воқеликдир. Айни пайтда ушбу тарихий воқеаларни таҳлил қилиш, унинг замиридаги ҳаётий ҳақиқатларни англаш зарур. Зеро, йирик масштабдаги бундай ўзгаришлар бизга барқарор ва фаровон ҳаётдан мужда бермоқда. Бундай жамиятни фаол фуқаролик позициясига эга шахслар яратади. Бугун эса биз Марказий Осиё, хусусан, юртимиз келажагини белгилаб берадиган тарихий воқеаларга бирма-бир тўхталиб, имкон қадар унинг моҳиятини англашга уринсак.

АҲИЛЛИК БАРАКА КЕЛТИРАР

БИРИНЧИ ВОҚЕЛИК. Хўжанд саммитида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара билан боғлиқ асрий масала тўла-тўкис ҳал этилди.

Битта гап билан ифода этилган ушбу воқеа замирида сўнгги етти-саккиз йилдаги изчил ислоҳотлар, янги Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч ва дўстона ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ётибди. **Биз дунёга, аввало қўшниларимизга меҳр дарвозасини кенг очдик. Ҳазрат Бобур Мирзонинг: “Ким нени изласа, топқай бегумон”, деган ҳикмати ҳаётий ҳақиқат эканини яна бир бор тасдиғини топди. Дунё ҳам бизга қучоғини очди.** Ўтган вақт мобайнида Марказий Осиё халқлари бир-бирини тушунишни, масалани қўлни бигиз қилиб эмас, кўксимизга қўйиб, аждодларимиз каби кенгашиб ҳал этиш зарур эканини англадик.

Ҳаёт ҳикматларга тўла. Яхши ният билан ерга қадалган уруғ йиллар ўтиб улкан дарахтга айланади. Унинг соясидан баҳра оласиз, мевасини оилангиз, яқинлар билан баҳам кўрасиз. Аммо доим ҳам осмонга суянч бўлган дарахт кафтингизга сиғадиган митти уруғ бўлгани ҳақида ўйлаб кўрмайсиз.

Давоми 3-бетда

ҚАДИМ ТУРКИСТОНДА ЖАМ БЎЛДИ ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

**Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси**

Бошланиши 1-бетда

Биринчиси, 3-4 апрель кунлари қадимий Самарқанд заминида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитидир. “Келажакка сармоялар” шиори остида ўтган ушбу тадбир дунё халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Анжуман энг муҳим муаммолар — давлатлар, халқлар, минтақалар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ўзаро маҳкам иқтисодий ҳамжиҳатликка, ижтимоий, маданий тараққиётга бағишланди.

Тадбирда Европа Иттифоқи раҳбарлари Антониу Кошта ва Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одил Рено-Бассо ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарияти иштирок этди.

Йиғилишда делегациялар раҳбарлари икки минтақа ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар билдирди. Сунъий интеллект, “катта маълумотлар”, рақамлаштириш ва космик тадқиқотлар соҳасида илмий-технологик алмашинув бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Марказий Осиё давлатлари билан Европа Иттифоқининг биринчи саммитида терроризм, экстремизм, радикализм, кибержиноятчилик, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Нуфузли анжуманда европалик ҳамкорларнинг терроризмга қарши кураш масалалари бўйича мулоқотни йўлга қўйиш таклифи якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Европа Иттифоқининг минтақа хавфсизлигига содиқлигини ифодалайдиган “BOMCA” ва “CADAP” дастурлари доирасидаги амалий ҳамкорликни, шунингдек, Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Биринчи саммит якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатишни назарда тутувчи қўшма декларация ва ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Самарқанд машварати яна бир бор Ўзбекистоннинг дунё сиёсатида тутаётган ўрни, Ўзбекистон тимсолида минтақа мамлакатлари халқлари, раҳбарлари якдиллигини, бу минтақа дунё сиёсатида ўзига хос роль ўйнаши мумкинлигини яққол кўрсатди.

Айни чоғда Европанинг қадим Туронзамин ўлкалари билан ҳамкорлиги айрим “дўстларимиз”га ёқмагани, уларнинг пайтавасига қурт тушганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим...

Куни кеча Тошкентда ниҳоясига етган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси эса чин маънода Ўзбекистон ва у тутган йўл қанчалар тўғри эканига яна бир ёрқин мисол. Анжуманда 140 га яқин давлатнинг 2 мингдан зиёд делегати қатнашди. Ўзбекистон пойтахтида дунёдаги вазият, муаммолар тилга олинди, таҳлил қилинди.

Айниқса, анжуманда Ўзбекистон Президентининг иштироки ва сўзлаган нутқи миллионлаб дилларда бирдек акс садо берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани, Украина инқирози БМТ раҳбарлигида, амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилиши лозимлиги, Фаластин инқирози учун ягона ечим “икки халқ учун — икки давлат” тамойили экани, Афғонистонни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик, қайта тикланадиган энергияга устуворлик бериш, “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш — келажак авлодлар олдидаги мажбуриятлар, сунъий интеллект соҳасида бутун дунёда ўйин қоидалари бир хил бўлиши кераклиги, Парламентлараро Иттифоқ тизимида Ёшлар парламентларининг глобал платформаси зарурлиги, бутун дунё камбағалликдан қутулиш йўлини биргаликда излаши лозимлиги ҳақидаги таклифлар халқимизнинг хоҳиш-иродаси, овози ўлароқ янгради.

> **Халқаро Ассамблея Ўзбекистон парламенти ташаббуси билан “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусида ўтказилгани чуқур рамзий маънога эга. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ортга қайтмас демократик ислоҳотлар ва прагматик ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам ташлаб, дунё ҳамжамияти билан тўғридан тўғри, очиқ ва жадал мулоқот қилмоқда.**

Эътироф этиш лозим, сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган мазкур иттифоқнинг юбилей Ассамблеяси нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақасида, МДҲ ҳудудида ҳам илк бор бўлиб ўтди.

“Бундай юксак ишонч ва эҳтиромни биз юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган катта натижаларнинг эътирофи, деб қабул қиламиз.

Мен ҳам 15 йил давомида парламент аъзоси бўлганман. Дунёни тинч-осойишта, жамиятларни янада фаровон қилишга қаратилган олижаноб фаолиятингиз нақадар масъулиятли эканини яхши биламан ва тушунаман.

Сизлар — бамисоли халқларни бир-бирига боғловчи мустаҳкам дўстлик кўпригисиз. Сизлар — одамларнинг дарду ташвиши ва муаммоларини энг қуйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсизлар”, деб таъкидлади ўз нутқида Ўзбекистон Президенти.

Яқинда эълон қилинган “Парламентдаги аёллар: 1995-2025 йиллар” ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Осиё минтақасида энг юқори кўрсаткичга эришди, шунингдек, сўнгги 30 йил ичида аёл депутатлар сони ўсиши бўйича ҳам етакчи бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда кучли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон парламент йўналишида глобал аҳамиятга молик қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келаётгани бунга ёрқин мисол. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилиниши бунга далил.

Парламентлараро Иттифоқнинг мазкур сессиясида шу куннинг энг долзарб масала ва муаммолари таҳлил этилди. Анжуман давомида жаҳоннинг нуфузли парламент делегациялари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, гендер тенгликка эришиш, илм-фан, технологияларни ривожлантириш ҳамда долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Мақсад — парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишдан иборат эди, албатта.

Анжуман доирасида қарийб 80 та тадбир ўтказилди. Уларнинг ҳар бирида бугунги кун учун долзарб бўлган минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилди. Машваратда нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё, Европа, балки умумжаҳоннинг долзарб масала ва муаммолари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқаро Ассамблея Ўзбекистон парламенти ташаббуси билан “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусида ўтказилгани чуқур рамзий маънога эга. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ортга қайтмас демократик ислоҳотлар ва прагматик ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам ташлаб, дунё ҳамжамияти билан тўғридан тўғри, очиқ ва жадал мулоқот қилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид соляпти. Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси қатнашчиларининг таъкидлашича, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида қуролли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда.

Бундай мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Айрим давлатларда сўнгги йилларда урушга қарши чиқиш, отишмаларни тўхтатиш, тинчлик ва ярашиш учун курашиш, минг афсуски, очиқ таъқиб остига олиняпти. Бундай ҳолларга бефарқ қараш мумкин эмас.

Ўзбекистон парламентарийларининг бу соҳадаги барча таклиф ва ташаббуслари Парламентлараро Иттифоқнинг стратегик мақсадларига тўла мос экани анжуман қатнашчилари томонидан қайд этилгани, шу билан бирга, ёндашувларимиз тарихий ассамблея якунлари бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясида ҳам ўз ифодасини топгани қувонарлидир, албатта.

Давлатимиз раҳбари маърузасида дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни реал, холисона таҳлил қилгани, ўртага ташлаган муҳим ва долзарб таклифлари қатори йиғилиш иштирокчиларига мамлакатимизда парламент институтини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтгани, айниқса, эътиборли.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага оширилди. Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Миллий парламентимизда хотин-қизлар улуши бугун 38 фоизга етди. 2021 йили Олий Мажлис палаталари ҳузурида илк бор ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай маълумотларни учрашув иштирокчилари илиқ кутиб олди. Мамлакатимиз вакиллари Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, МДҲ Парламент Ассамблеяси каби тузилмаларда фаол иштирок этаётгани, бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистон катта дунёга очиқ, ҳар қандай дўстона мулоқотларга тайёр экани Президентимиз томонидан алоҳида қайд этилди.

Охирги йилларда юртимизда БМТ институтлари ва Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Осиё хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари саммити муваффақиятли ўтказилгани ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида эканига ёрқин далилдир.

Ўзбекистон Президентининг Ассамблеяда сўзлаган нутқидаги яна бир муҳим жиҳат ён қўшнимиз Афғонистон масаласидир. Мен давлатимиз раҳбарининг “Бизга қўшни бўлган Афғонистон ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Ушбу мамлакатнинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига йўл қўймаслик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш, Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада парламентларнинг кўмагига ишонамиз”, деган сўзларини тинглаганда, таниқли шоир ва мутафаккир, сиёсатчи Муҳаммад Иқболнинг бундан 120 йиллар бурун айтиб кетган қуйидаги сўзларини эсладим беихтиёр: “Осиёда бир дарахт бор. У яшнаса, бутун Осиё гуркираб яшнайди, агар қовжираб қолса, унинг бу ҳолати бутун Осиёга таъсир қилади. Билингки, бу дарахт Афғонистондир”. Ҳа, ён қўшнимиз Афғонистон гуллаб-яшнаши керак.

Албатта, дунёдаги ҳеч бир давлат ва жамият фақат кўплаб қонун ёки қарорлар қабул қилиш билан ривожлана олмайди. Барчамиз бу йўлда бирлашиб, қонун ижодкорлиги руҳини кучайтириб, бор билим ва тажрибамизни ягона мақсад сари сафарбар этиш орқали умумий мақсадимизга эриша оламиз деб қайд этди анжуман қатнашчилари.

Ассамблея доирасида ўтган турли тадбир ва дебатларда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди ҳамда истиқболли режалар белгилаб олинди. Қабул қилинган барча қарорлар эса кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлигимиз тарихида янги саҳифа очишига шубҳа йўқ.

Парламентлараро Иттифоқнинг Тошкентда ўтган 150-юбилей Ассамблеяси дунёда ижтимоий интеграция, муносиб меҳнат, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг қарор қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш каби кўплаб шу куннинг долзарб масалаларига доир тарихий қарорлари билан нафақат махсус қабул қилинган Тошкент декларациясида, балки Марказий Осиё ва жаҳон парламентарийси тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Қадим Туркистонда жам бўлди дунё,
Дунёга нур сочгай бу қутлуғ зиё...

Янги Ўзбекистон руҳи

Халқаро анжуман

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУСЛАР МАЖМУИ

Бошланиши 1-бетда

140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд делегат қатнашган анжуман доирасида ташкил этилган “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусидаги дебатларда 120 дан ортиқ миллий парламент, 12 та ҳамкор ташкилотдан 160 нафар маърузачи чиқиш қилди. Бу жараёнда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди ва истиқболли режалар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида, шунингдек, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати: тинчлик, очиқлик ва тараққиёт йўлида” мавзусида матбуот анжумани ҳам ташкил этилди. Унда сўнгги йилларда миллий манфаатларимизга асосланган ҳолда юритилаётган очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат самараси, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ҳақида сўз борди.

Тадбир қатнашчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

> **Анжуман кун тартибидан инсониятнинг бугунги куни ва келажак ҳаётига дахлдор кўплаб масалалар ўрин олди. Уларнинг барчаси ўз ечимини топишида жаҳон парламентлари вакилларининг ўрни муҳим. Ушбу тадбир ҳамкасбларимиз билан ўзаро мулоқот қилиш ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган фикрдаман.**

**Селене АВИЛА,
Мексика конгресси аъзоси:**

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Пойтахтингизнинг замонавий қиёфаси ва халқингизнинг меҳмондўстлиги менда катта таассурот қолдирди. Халқаро анжуман юқори савияда ташкил этилди. Тадбир доирасида Президентингиз билан учрашиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Ассамблеяда глобал аҳамиятга молик кўплаб масалалар қизғин муҳокама қилинди. Айниқса, Президентингизнинг нутқи бизда катта қизиқиш уйғотди. Унда илгари сурилган ҳар бир масала бутун дунё мамлакатлари учун долзарб аҳамият касб этади. Масалан, камбағалликка қарши курашишни олайлик. Бу масала бизнинг мамлакатимизга ҳам таааллуқли йўналишдир. Сабаби, Мексикада аҳолининг муайян қатлами ушбу тоифага киради. Шу боис, камбағалликка қарши курашиш мамлакатимиз сиёсатида ҳам устувор ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада қатор ишлар амалга оширилгани ва яхши натижаларга эришилаётгани бизни жуда қувонтиради. Бу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни кенгайтириш олдимизда турган муҳим вазифа — ижтимоий тараққиётни таъминлаш ва адолатли жамият барпо этишда муҳим омил бўлади.

**Пяйви РЯСЯНЕН,
Финляндия парламенти аъзоси:**

— Барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугун дунёда кўплаб инқирозли ҳолатлар юзага келмоқда. Баъзи жойларда нотинчлик бўлса, бошқа минтақаларда табиий офатлар, экологик нохушликлар кузатиляпти. Шундай вазиятда жаҳон ҳамжамияти бир даврага жам бўлиб, муаммолар ечимини топиш учун юзма-юз мулоқот қилиши жуда зарур эди. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда бўлиб ўтган ушбу тадбирнинг аҳамияти катта. Шундай нуфузли анжуманда иштирок этиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Анжуман кун тартибидан инсониятнинг бугунги куни ва келажак ҳаётига дахлдор кўплаб масалалар ўрин олди. Уларнинг барчаси ўз ечимини топишида жаҳон парламентлари вакилларининг ўрни муҳим. Ушбу тадбир ҳамкасбларимиз билан ўзаро мулоқот қилиш ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган фикрдаман.

Сафар таассуротлари ҳақида сўзлайдиган бўлсам, юртингизнинг замонавий қиёфаси, табиати мени жуда илҳомлантирди. Келгусида сайёҳ сифатида келиш ниятим бор. Мақсадим — юртингизнинг тарихий обидалари, қадимий шаҳарлари ва турли соҳалардаги ўзгаришлар билан янада яқинроқ танишиш. Ўз навбатида, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришда ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрман.

**Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Парламентлараро Иттифоқ анжумани юртимизда бўлиб ўтгани катта ютуғимиздир. Зеро, бундай тадбирларга мезбонлик қилиш одатда дунёнинг катта-катта шаҳарлари, йирик марказларигагина ишонилади. Бу гал ана шундай нуфузли тадбир Тошкентда бўлиб ўтгани жамиятимиздаги демократик ислоҳотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган катта натижалар эътирофи бўлди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда бугун турли соҳаларда муҳим ислоҳотлар амалга ошириляпти. Жумладан, парламент фаолияти ҳам такомиллашмоқда. Айниқса, парламентда хотин-қизлар улуши ортиб боряпти. Уларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Натижада аёлларнинг турли соҳаларда фаоллиги ошиб, жамият ҳаётида муҳим ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда. Бу эса юртимиздаги ривожланиш суръатларига катта турткы бўляпти.

Президентимиз нутқида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Зеро, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётни янада юксалтиришнинг муҳим асосидир.

* * *

Ассамблея якунида анжуман доирасида илгари сурилган муҳим ғоя, ташаббус ва фикрларни қамраб олган Тошкент декларацияси, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида низоларнинг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш бўйича парламентлар стратегиялари, адолатли ва барқарор глобал иқтисодиётни қуриш, дунёда адолатли ва мустаҳкам тинчликни тиклашда парламентларнинг ролини ошириш бўйича резолюциялар қабул қилинди.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.**

ТЎРТ МУҲИМ ВОҚЕЛИКДАН ҚУВВАТЛАНАЁТГАН ЖАҲОН

Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Ўсиш ва ўзгаришлар доим мана шундай кичик уруғларни қадаш каби оддий ишлардан бошланади. Янги Ўзбекистондаги илк ўзгаришларни ҳам шу йўсин ифода этиш мумкин. Яқин тарихда Марказий Осиё давлатлари орасида симтўсиқлар тортилган, миналар ўрнатилган эди.

Азалдан қардош, қўшни бўлган халқлар бир-бирига бегонадай виза режимини жорий қилган, бу нафақат оддий аҳоли, балки мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ҳам тўсиқ бўлаётганди. Қўшнилар бир-бири билан ёқа олишишгача боргани ҳам аччиқ ҳақиқат. Ана шундай мураккаб вазиятни юмшатиш осон эмасди. Минтақадаги бу ҳолат ўнгланишига кўпчилик ишонмас эди. Шукрки, оққан дарё оқмай қолмас экан. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар аждодлар меросига мос равишда ривож топди. Янгиланишлар тенг ҳуқуқий асосга эга ишончли дўстлик замирига қурилмоқда. Бундай ҳаётбахш эпкин бутун минтақага тарқалди. Дастлаб виза режими бекор қилинди.

Биргина шу тарихий қарор миллионлаб одамларнинг тақдирини ўзгартириб юборгани айни ҳақиқат. Яқин қариндоши ҳолидан бехабар яшаётган, симтўсиқ ортидан шундоқ кўриниб турган ота уйига бора олмай, тўй ва азалардан мосуво бўлганлар қанча эди. Виза режими бекор бўлиши оддий одамларнинг ана шундай оғриқли дардига малҳам бўлди. Шукрона сабаб қўллар эл-юрт тинчлиги, фаровонлигини сўраб кўкка чўзилди. Дуо — хайр-барака демак!

Савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар тубдан қайта кўриб чиқилди. Ҳамкорликнинг янги ва тубдан ислоҳ этилган дастури ишга тушди. Кечагина бир қарич ер сабаб туғилган баҳсларга барҳам берилди. Халқимизнинг "Айрилмас қўшнингга уятли сўз айтма", деган ҳикматига амал қилдик. Натижада баҳсли ерлар борасида мақбул келишувларга эришиб ягона минтақа, бир бутун жамиятга айланиш мақсади қарор топди. Зеро, фақат шу орқали кескин иқтисодий ўсиш ва кафолатли барқарорликка эришиш мумкин. Бу йўлда ўзимиз ўзгармасак, четдан келиб ҳеч ким биз учун яхшилик қилиб бермаслигини теран англадик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанддаги "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити олдидан **"Euronews"-га берган интервьюси**да бу борада шундай фикр билдирди: **"...Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган. Турли даврларда бу ерда қуролли тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккабликлар, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узоқ давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келишмовчиликлар чуқурлашди ва юзага келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий таҳдид сола бошлади.**

Биз ана шундай реал ҳолатни англаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади".

Ана шу конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз самара бера бошлади. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация қилиш ва уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Минтақамизнинг барқарорлик, изчил тараққиётининг тимсоли сифатида **Дўстлик стеласи** ўрнатилди.

Халқимизда "Барака — иноқликда", деган мақол бор. **Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги илиқ муносабатлар ривожланиб боргани сари минтақа, хусусан, юртимизга барака ёғиляпти, десак муболаға бўлмайди.** Фикримизни аниқ фактлар билан асосласак. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўн каррадан зиёдга ошган. Мазкур ҳажмнинг деярли ярми чегараолди ҳудудларга тўғри келади. Бу бевосита кейинги йиллардаги ўзгаришлар, нафақат мамлакатлар, балки маълум вилоят, туман доирасида савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилганининг самарасидир.

Ҳамкорлигимиз янги босқичга чиққан экан, демак бундан кейин ишларни ўшанга муносиб ташкил этиш зарур. Шу боис, Хўжанд саммити чоғида мамлакатлар етакчилари чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш борасида фикр алмашди. Уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Умуман, бундай йирик масштабдаги ўзгаришлар тадбиркорларга кенг йўл очди. Бугун Ўзбекистон ишбилармонлари қўшни мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда фаол қатнашмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни жадал давом эттиришда қўшма инвестиция жамғармалари капиталини босқичма-босқич оширишга тайёр эканимиз айтилди. Бу бевосита мамлакатлар ўртасида транспорт, логистика алоқаларини яна ривожлантириш талабини қўяди. Мазкур йўналишда ҳам мамлакатларимиз келишувларга эришди.

Шу каби кўплаб факторлар сабаб бугун дунё аҳли Марказий Осиё руҳи ҳақида сўзламоқда. Минтақамиз билан ҳисоблашиш кераклигини тушуниб етяпти. Марказий Осиёга иқтисодий, ижтимоий-сиёсий имкониятларга эга барқарор ҳудуд, деган қараш шаклланяпти. Бунинг амалий қиёфаси биз қуйида фикр билдирмоқчи бўлган тарихий воқеликда тўла-тўкис акс этди.

УЙҒОҚ ҚАЛБЛАР КЕНГАШИ

ИККИНЧИ ВОҚЕЛИК. Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити бўлиб ўтди.

Амир Темурнинг шундай ҳикматли сўзи бор: *"Кенгаш икки турли бўлур: бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим"*.

Худди шунингдек, Самарқанддаги "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити уйғоқ қалблар кенгаши бўлди. Нега уйғоқ қалблар, дея таъкидлаяпмиз?! Сабаби оддий. Бугун дунё қиёфаси, геосиёсий жараёнлар тубдан ўзгарди. Қутбларни аниқлаш, кечаётган жараёнлар оқибатини прогноз қилиш мураккаблашди. Мудофаа қудрати ҳам, иқтисодий барқарорлик ҳам тўла кафолат бўла олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бундай вазиятдаги ягона тўғри йўл дўстлик, ишончли ҳамкорликдир. Шу маънода, икки минтақанинг ҳамкорлиги тарихий воқеа бўлди.

"Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити кўпқиррали келишувларга замин яратди. "Самарқанд руҳи", деган тарихий ҳақиқат сабаб бу саммитнинг истиқболи баланд бўлишига ишончимиз комил.

Аждодларимиз чуқур ҳаётий кузатишлар эвазига дунё иқтисодий муносабатлар орқали обод бўлади, деган. Биламизки, азалдан карвон йўлидаги шаҳар аҳолиси фаровон яшаган. Илм-фанда илғор бўлган. Негаки, ўз даврининг онлайн дарсхонаси ҳам, сунъий интеллектга ўхшаш замонавий билимдони ҳам карвонлар билан қўшилиб келган. Худди ўша тижорат аҳли янги илм-фан илмий асос билан очиб берди. Дунё илм-фани ва фалсафасига улкан ҳисса қўшди. Бунинг тасдиғи ўлароқ Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Мирзо Улуғбек каби буюк аллома ва мутафаккирларимиз номини эслашнинг ўзи кифоя. **Демоқчимизки, юртимиз ҳамиша цивилизация ўчоғи бўлган. Ўлкамиз барча замонларда унумдор тупроқ каби илм-фан хирмонига мўл ҳосил қўшган. Бизгача қандай таълимот, илм-фан ёки маданият етиб келса, у албатта, аждодларимиз зеҳни ила мукаммал даражада ривожланган ва дунё аҳлига тақдим этилган.**

Бунда Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрининг алоҳида ўрни бор. Бу қадим шаҳар асрлар давомида цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази эди. Хусусан, Амир Темур Европа ҳукмдорлари билан эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатди. Биз бугун бундай савдо алоқаларини ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик деб атаймиз.

Темур бобомиз давридаги тинчлик қиймати бошига олтин тўла сават кўтарган киши карвон йўлини хатарсиз босиб ўтиши билан ифода этилади. Унинг ҳаётий натижаси ҳам бизга яхши аён. Амир Темур даврида фаровон ва барқарор давлатчилик вужудга келди. Барча соҳа — илм-фан, иқтисод, ҳунармандчилик, бунёдкорлик, адабиёт ва санъат бирдек ривожланди.

> **Сўнгги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Самарқанддаги саммит доирасида кўпқиррали муносабатлар янги босқичга чиқди. Сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва инвестициялар, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари кўриб чиқилди. Саммит якунлари бўйича Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида тарихий қарор қабул қилинди.**

ва маданиятни олиб яна ортига қайтган. Ҳозирги Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ўшандай карвон йўлларига асос солинган. Аждодларимиз шу йўл орқали дунё халқларига илм-маърифат улашган. Фикримизни тарихий факт билан асосласак.

Тарихчи дўстларимиз таъкидлашича, Бронза даврида "Ложувард йўли" деб аталган савдо йўли бўлган экан. Унинг бир тармоғи Бадахшон, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Суғд, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Яна бир тармоғи эса Бақтрия ва Марғиёнадан Месопотамия билан туташган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср орқали ўтган. Шу тариқа, қадимги Шарқ ва Марказий Осиё ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилган. Худди шу даврда Марказий Осиёда Зардуштийлик таълимоти пайдо бўлди. У бизнинг ҳудудда ривожланди, катта таълимот даражасига етди. Энг нодир қўлёзма "Авесто" вужудга келди.

Буюк ипак йўли пайдо бўлгач, Марказий Осиё узоқ муддатли ва баланд истиқболга эга тараққиётга эришди. Аждодларимиз Ислом таълимотининг инсонпарварлик ғояларини

"Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади", деган пурмаъно сўз замирида ана шундай ҳаётий ҳақиқатлар бор.

Тараққиёт ўзини такрорлайдиган хусусиятга эга. Уни узоқ яшайдиган улкан дарахтга ўхшатиш мумкин. Гарчи замонлар тўфони бу дарахтни ер билан яксон қилгандай кўринса-да, у такрор-такрор кўкка бўй чўзаверади. Бу Самарқанд саммити мисолида яна бир бор тасдиғини топди. Дунёда ўхшаши йўқ ушбу ноёб ҳамкорлик платформаси икки минтақанинг тарихий алоқалари қайта тиклангани ва порлоқ келажагидан шоҳидлик бераётир. Ваҳоланки, бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки муносабатлари тўхтаб ётган эди. Юртимиздаги ижобий ўзгаришлар сабаб бугун банкнинг энг йирик бенефициарларидан бирига айландик.

Сўнгги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Самарқанддаги саммит доирасида кўпқиррали муносабатлар янги босқичга чиқди. Сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва инвестициялар, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари кўриб чиқилди. Саммит якунлари бўйича Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида тарихий қарор қабул қилинди.

Худди қадимда бўлганидай кўпқиррали ҳамкорликнинг янги босқичига асос солинди. Қадимда ҳам тижорат аҳли инвестиция киритган. Ҳунармандларга, ишлаб чиқарувчиларга аввалдан пул бериб маҳсулот олган. Бугун ҳам тармоқларга сармоя киритиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўпайтириш ҳақидаги эзгу ташаббуслар илгари сурилди. Аждодларимиз энг сўнгги технологияларни, билимларни карвон йўллари орқали ўзлаштирган, дедик. Икки минтақа ўртасидаги янги алоқаларда инновацияларни қўллаб-қувватлаш, илмий салоҳиятга хизмат қиладиган келишувлар ҳақида сўз борди. Амалий қадамлар ташланди.

Техник тараққиёт даври ўз замонига мос янгича олди-бердиларни ҳам кун тартибига чиқармоқда. Бу "яшил" энергетика экспортидир. 2024 йилда Боку шаҳрида ўтказилган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасида бу борада жиддий қадам ташланган эди. Шунга кўра, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон Европага "яшил" энергия йўлаги лойиҳасини ишга тушириш борасида келишувга эришди. "Яшил" энергетикада минтақамиз катта салоҳиятга эга. Ундан оқилона фойдаланишда Европанинг замонавий техник имконияти ҳам қўл келади, назаримизда. Демак, ҳар икки томонга бирдек фойдали, ишончли келишувга асос бор. Мазкур йўналиш экспертлар томонидан замонавий геоиқтисодий ҳамкорлик, дея таърифланмоқда. Шунинг ўзиёқ ортга қайтмас тус олган ўзгаришлар буткул янги қиёфа касб этиб бораётганини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат, логистика йўналишидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталиш керак. Маҳсулотларни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг тайёр товарларини Европа бозорига етказиб бериш учун самарали транспорт йўлаклари мавжуд эмас. Шу маънода, Транскаспий транспорт йўлагини кенгайтириш ва ундан фойдаланиш учун мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар ва қулай шароитларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда Евроиттифоқ шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатлар транспорт вазирларининг учрашувини чақириб, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Тараққиёт такрорланувчи хусусиятга эга, дегани айнан шу бўлади. Назаримда ушбу логистик келишув Буюк ипак йўлининг замонавий муқобили бўлиб хизмат қилади. Бу экспортчиларимиз салоҳиятини оширади. Минтақалар ўртасидаги асрий алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Қувонарлиси шундаки, ЕТТБ прогнозларига кўра, жорий йилда минтақавий ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 фоизгача ошади. Бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори демак. Мамлакатларимизда етакчи миллий таълим муассасаларининг филиаллари очилмоқда. Хорижлик сайёҳлар учун ягона Марказий Осиё визаси лойиҳаси илгари сурилмоқда. Буларнинг барчаси Марказий Осиё мураккаб геосиёсий жараёнлар вақтида халқаро майдонда янгича нигоҳ ва форматда ўзини кўрсата бошлаганидан далолат.

> **Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, парламент вакиллари ўз халқининг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқда. Яъни анжуманда шахслар, ҳудуд ёки мамлакатлар эмас, балки миллионлаб оддий одамларнинг хоҳиш-истаклари устуворлик касб этди. Бу тўла-тўкис янги Ўзбекистон танлаган йўлга мос келади.**

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШНИНГ ЎЗБЕКЧА МОДЕЛИ

УЧИНЧИ ВОҚЕЛИК. Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш зарур, ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Парламентлараро Иттифоқнинг Ассамблеяси илк бор Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтди. Экспертлар унинг юбилей Ассамблеяси Тошкентда ўтказилганида ҳам рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Президентимиз ўз нутқида Ассамблея иштирокчиларига мурожаат қилиб: **"Сизлар — бамисоли халқларни бир-бирига боғловчи мустаҳкам дўстлик кўпригисиз. Сизлар — одамларнинг дарду ташвиши ва муаммоларини энг қуйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсизлар.**

Албатта, сизлар ўз халқларингизнинг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқдасиз", деди.

Анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси ортида турган сайловчиларни ҳисобга олсангиз жуда катта рақам пайдо бўлади. Бу, бир оз бадиият билан айтганда, дунё аҳолисининг деярли ярми биз билан ҳамфикр эканини кўрсатади. Зеро, анжуманда 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди. Яна бир муҳим жиҳат, Ўзбекистон ташаббуси билан Ассамблея **"Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати"** мавзусида ўтказилди. Шу орқали дунёнинг турли минтақа ва мамлакатларидан келган халқ вакиллари янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишлари бўлган жиҳатларга бефарқ эмаслигини тасдиқлади. Мазкур тадбир фақатгина парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина ўтказилади. Шунинг ўзиёқ юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир улкан эътирофидир.

Ассамблеянинг асосий мавзуси доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Парламентлараро Иттифоқнинг қўмиталари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган турли тадбирлар ташкил этилди. Буни жуда узоқ таҳлил қилиш мумкин. Аммо вақтингизни олмаслик учун мазкур анжуманга қисқа изоҳ берсак.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **парламент вакиллари ўз халқининг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқда.** Яъни анжуманда шахслар, ҳудуд ёки мамлакатлар эмас, балки миллионлаб оддий одамларнинг хоҳиш-истаклари устуворлик касб этди. Бу тўла-тўкис янги Ўзбекистон танлаган йўлга мос келади.

Инсон қадри учун бошланган ислоҳотларимиз Бош қомусимизда ижтимоий давлат тамойили билан мустаҳкамланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг муаллифи халқимиз бўлди.

Тома-тома кўл бўлади, дейишади. **Юртимиздаги янгиланишлар дастлаб халқимизда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади. Ислоҳотлар кўлами халқаро миқёсга чиқиб, Марказий Осиё руҳини пайдо қилди. Ўша ўсиш, ривожланиш эвазига минтақалараро ҳамкорлик, деган қадимий алоқаларнинг замонавий қиёфаси вужудга келди. Натижа шундай бўлди-ки, бу каби ислоҳотларга дунё халқларининг фаровонлиги, сиёсий тафаккурнинг самарали тарғиботчилари бўлган парламент вакиллари нафақат ишонч билдирди, балки, халқни рози қилишнинг ўзбекча моделини ўрганиш, ўзлаштириш кераклигини тан олди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ "ЯШИЛ" ТАШАББУСЛАРИ

ТЎРТИНЧИ ВОҚЕЛИК. Самарқанд халқаро иқлим форуми ва унинг доирасида Орол маданият саммити бўлиб ўтди.

Бугун экологик масалалар глобал даражага чиқди. Илмий тадқиқотлар яқин келажакдаги хатарлардан огоҳлантирмоқда. Шундай вазиятда барча бир ёқадан бош чиқариб, амалий ишларга ўтиши шарт. Шу боис, Президентимиз форум иштирокчиларига қарата, "**Атроф-муҳитни асраб-авайлашда масъулият барчамизнинг зиммамизда. Бу кун тартибимиздаги энг муҳим масаладир",** деди.

Агар янги Ўзбекистондаги ўзгариш, ислоҳотларнинг энг муҳим битта жиҳатини айтиш зарур бўлса, мавжуд масалаларга натижадор, ҳаётий ечим берилаётганига урғу берган бўлардик. Буни биргина Орол мисолида ҳам кўриб турибмиз. Юртимиздаги илк ўзгаришлар давридаёқ асрий муаммога энг яхши ечим топилди. **Ўша вақтнинг ўзида амалий ҳаракатлар бошланди. Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.**

Биз мақоламиз аввалида юртимизда бошланган ўзгаришлар аста-секин қулоч ёзиб, халқаро майдонга чиқаётганини айтган эдик. Янги Ўзбекистоннинг "яшил" ташаббуслари ҳам худди шундай қиёфа касб этмоқда. Президентимиз форумда ажойиб ғояни илгари суриб, **"Ҳар йили Наврўз байрами арафасида дарахт экиш бўйича "Марказий Осиёнинг яшил белбоғи" минтақавий акциясини ўтказишни таклиф этаман",** деди.

Ҳазрат Алишер Навоий беш аср аввал:

"Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш", дея хитоб қилган эди. Бугун ушбу чақириқ янги Ўзбекистон минбарида замонавий оҳангларда бот-бот такрорланмоқда.

Орол маданият саммити минтақани санъат, маданият, дизайн ва илм-фан орқали ижтимоий ва экологик жиҳатдан ўзгартиришга қаратилган янги лойиҳа ҳисобланади. У Орол денгизи экотизимини асраб-авайлаш, маҳаллий маданиятни халқаро майдонда оммалаштириш бўйича янги стратегияларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунинг ўзи ҳам алоҳида мавзу ва таҳлил талаб этади.

Умуман, кейинги икки ҳафта Марказий Осиё, хусусан, янги Ўзбекистон руҳи халқаро медиаоламнинг бош мавзуси бўлди. Бутун дунё нигоҳи бизга қаратилди. Улар юқорида санаб ўтган йирик ҳодисаларни таҳлил ва талқин қилиб борди. Бу замонавий дунёда Марказий Осиё ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўрсатади. Мазкур жараёнда янги Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ташаббускор экани, ўзгаришлар марказида тургани бизда фахр уйғотади. Шу билан бирга, барчамизнинг олдимизга Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб, фаол фуқаролик позициясига эга шахслар бўлиш талабини қўяди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Кун мавзуси

10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТ



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ МУЛКИГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕРА БОШЛАДИ

Юртимизда фуқароларнинг ўзига тегишли, аммо ҳужжатсиз ёки ўзбошимчалик билан ўзлаштирилган минглаб ер майдони ва унда қурилган уй-жой мавжуд. Одамлар ўзи фойдаланиб келаётган хусусий мулкни расмийлаштириб олиши йиллар давомида энг катта муаммолардан бири бўлиб келди. Бунга уй-жой ёки ерга оид ҳужжатлар йўқолиб кетгани ёки нотўлиқ экани, фуқароларнинг ўз вақтида мурожаат қилмагани, қолаверса, ушбу йўналишда тизимли ишлар бажарилмагани каби кўплаб омиллар сабаб. Қолаверса, бу борада аниқ ҳуқуқий асос мавжуд эмас эди.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари 2024 йил 5 августда имзолаган “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун минглаб юртдошларимиз кутаётган тарихий ҳужжат бўлди. Ўтган йили ноябрдан кучга кирган қонун асосида қисқа муддатда Кадастр агентлиги масъуллигида мамлакатимиз бўйлаб ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки натижаларга кўра, ҳуқуқий ҳужжати йўқ ёки нотўлиқ 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкаси мавжудлиги аниқланган эди. Шундан сўнг Кадастр агентлиги томонидан вилоят ҳокимликлари таклифига кўра тасдиқланган режа-график асосида ташкилот ходимлари жойларга чиқиб, хатлов жараёнини бошлаб юборди.

Одамлар бу жараёнда катта қизиқиш билан иштирок этяпти, минглаб юртдошимиз ўз мулкларини қонуний расмийлаштириш иштиёқида. Ниҳоят саъй-ҳаракатнинг дастлабки ижобий натижалари ҳақида хабарлар тарқалди. Шу йил 1 апрелда Бухоро вилояти Жондор туманида 5 фуқаронинг уй-жой ва ер участкасига эгалик ҳуқуқи расман эътироф этилиб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Бу бўйича Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг қарори қабул қилиниб, кадастр ҳужжатлари ўз эгаларига тантанали топширилди.

Бу нафақат мулк эгалари, балки бошқа юртдошларимизни ҳам қувонтирди. Хабар ижтимоий тармоқларда тарқалгач, кўпчилик “Мана буни янгилик деса бўлади! Энди ҳамма ўз уйига эгалик қиладиган бўлибди. Шундай хушхабарни бошқа ҳудудлардан ҳам кутиб қоламиз”, деган изоҳлар қолдирмоқда.

— 2005 йилдан буён оиламиз билан бирга шу хонадонда яшаб келамиз, — деди Жондор тумани “Оқтепа” МФЙда яшовчи Озод Ҳакимов. — Уйимиз борлигига қарамай, унга эгалик ҳуқуқимиз йўқ эди. Шу боис, 20 йилдан буён уй-жойимиз, томорқамизнинг хат-ҳужжати йўқлигидан қийналиб келаётгандик. 2019 йилда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган турар жой ва ерларга кадастр ҳужжати бериш бўйича акция ўтказилганди, бундан фойдалана олмадик. Кейинроқ Президентимиз томонидан қонун имзоланиб, кучга кирди. Кадастр ходимларининг ўзи хонадонимизга келиб, хатлов ишларини бажарди. Бунинг учун биз ҳеч қаерга югуриб, овора бўлмадик. Бир муддат ўтиб, 396,25 квадрат метр бино-иншоот майдони учун мулк ҳуқуқи эътироф этилган қарор қўлимизга топширилди. Йигирма йиллик ниятимиз амалга ошганидан жуда қувондик.

Бошқа ҳудудларда жараён қандай?

Энди бу фуқаролар ўз мулкининг қонуний эгаларига айланди. Шу билан бирга, уларда ўз уй-жойини бошқа шахсга ҳадя қилиш ёки сотиш, оила аъзоларини доимий рўйхатга қўйиш каби ҳуқуқлар ҳам пайдо бўлди. Қолаверса, уйини таъмирлаш ёки қўшимча қурилиш қилиш учун имтиёзли кредитлар олиши, уй-жой жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилса, қонунга мувофиқ компенсация талаб қилиши мумкин.



Минглаб юртдошимиз ана шундай ҳуқуққа эга бўлиш истагида. Қонунда ҳам бу жиҳат назарда тутилган бўлиб, 2028 йилга қадар ҳужжатлаштириш ишларини тўлиқ якунлаш белгиланган. Бунинг учун Кадастр агентлиги ходимлари маҳаллаларда бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамай, хатлов ишларини бажаряпти. Қонун билан 8 тоифадаги объектлар учун мулк ҳуқуқини расмийлаштиришга рухсат берилган. Улар 2018 йил 1 майга қадар ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар, майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган уй-жойлар, “бир марталик акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган мулклар ва ҳоказони ўз ичига олади.

Қонунда “ўзбошимчалик билан эгалланган” деган жумла алоҳида қайд этилган бўлиб, бу кўпчилик тушунганидек, ноқонуний эгаллаб олинган ер ёки уй-жойни англатмайди. Гап шундаки, қонунчиликда ҳужжатлари сақланиб қолмаган ер ёки бино-иншоотларга нисбатан ҳам “ўзбошимчалик билан эгалланган” деган таъриф қўлланади. Масалан, ўтган асрда ажратилган ернинг кўпи шундай ҳолатда, яъни қайсидир сабабга кўра, ҳужжати сақланиб қолмаган, бутунлай йўқ бўлиб кетган. Уларнинг барчаси тегишли тартибда ўрганилиб, қонуний ечимлари берилади.

Бироқ бу барча ҳужжатсиз мулкка эгалик ҳуқуқи эътироф этилади, дегани ҳам эмас. Бу бўйича қонунда асосий шартлар ва талаблар аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмаслиги, бош режа талабларига зид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга тааллуқли маълумотлар ҳамда ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда. Бу тизимга 18 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларни киритади. Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижаси маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий хулоса чиққан фуқароларга SMS хабарнома юборилади. У асосида бир марталик тўлов тўлаганларнинг эгалик ҳуқуқи ҳар чоракда Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори асосида эътироф этилади.

Ҳужжатсиз мулкка кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш аниқ тартиб асосида ўрганилиб, бир неча босқичда кўриб чиқилади. Маълумотларга кўра, айни пайтда муҳокамадаги ҳужжатлар сони 59 минг 30 та, жамоатчиликка эълон қилинганлари 11 минг 56 та, кўриб чиқилаётганлари 438 та, жараёндаги ерлар сони 637 та, эътироф этилганлари эса 5 та.

— Қонун асосида юртимиз бўйлаб хатлов ишлари мунтазам ва фаоллик билан бажариляпти, — дейди Кадастр агентлиги директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Неъматжон Отамуродов. — Бунинг учун 4 мингдан зиёд кадастр ходими жалб қилинган. Хатлов натижаси барча давлат идоралари интеграция қилинган ягона платформа — etirof.kadastr.uz сайтига киритиб борилмоқда. Юртдошларимиз мазкур очиқ тизим орқали жараённи бевосита кузатиши мумкин. Агар фуқаронинг маҳалласида хатлов ўтказилган бўлса, ана шу жараён ва бу бўйича давлат идораларининг хулосалари, очиқ харитадан ер майдонининг чегарасини кўриб, ҳатто ўз эътирозини рўйхатдан ўтган ҳолда ёки электрон калит орқали кириб қолдириши учун имконият яратилган. Боиси, хатлов жараёни ўз муддатида ўтиши нафақат кадастр ходимлари, балки юртдошларимизга ҳам боғлиқ. Улардан жараёнда фаол иштирок этиш сўралади. Жумладан, хатлов ўтказилаётган маҳаллалардаги хонадонларда ёши катта, кадастр ҳужжатларидан хабардор одамлар бўлса, маълумотларни тўғри ва тўлиқ олишда кадастр ходимларига ёрдамлашса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, бир маҳаллани тугатмай туриб, бошқасига хатловга ўтилмайди. Маълумотлар қанча тез тўпланса, иш шунча тезлашади. Жараёнда минглаб юртдошимизнинг ўз мулкига эгалик ҳуқуқи қонуний эътироф этилиб, халқимиз хатлов натижаларидан мамнун бўлади.

Бу амалиётнинг қийматини йиллар давомида ўз уйида яшаб туриб, мулкнинг эгаси эканини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаганлар яхшироқ англайди. Эътиборлиси, юртимизда бундай одамлар ўн ёки юз киши эмас, балки минглаб экани ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг ортидан бошқа йўналишларда ҳам юзага келган муаммоларнинг охири кўринмайди.

Мазкур қонун ижроси қатъий назоратга олингани, мақсад аниқ натижага эришиш экани боиси шунда. Ушбу тарихий ҳаракат ортидан фуқаролар ва тадбиркорларнинг мулкка эгалик ҳуқуқи тан олинади. Бозорда қонуний капитал айланмаси пайдо бўлади. Одамлар ўртасидаги мулкий низолар, жумладан, мерос билан боғлиқ низоларга ечим топилади. Шунингдек, доимий рўйхатга қўйдириш, моддий ёрдам олиш, мактаб, боғчага жойлаштириш каби ижтимоий муаммолар ҳамда бино ва иншоотларни коммунал тармоқларга улаш бўйича масалалар ҳам ҳал бўлади. Бунда адолат ва шаффофликни таъминлашга бирламчи вазифа сифатида қаралмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИМТИЁЗ ЁКИ УЧ БАРОБАР ЖАРИМА
ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАШ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

Бободеҳқонларнинг айтишича, бу йил қиш фаслининг анча илиқ келгани табиатни ўтган йиллардагидан эртароқ уйғотди. Далаларда экин ишлари, ариқ-зовурларни тозалаш, теварак-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга ҳам эртароқ киришилди.

Янгича ёндашувлар

Шукрки, заминимизда етиштириб бўлмайдиган маҳсулот кам. Айни кунларда деҳқонларимиз резавор, цитрус меваларни ҳам иқлимимизга мослаб етиштириш ҳадисини олмоқда. Бу борада берилаётган имконият, имтиёз ва рағбат уларга қатор қулайликлар яратиш билан бирга, бандликни таъминлаш, дастурхонларимиз тўкинлиги, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан имкониятлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, ҳар йили 500 та маҳаллада биттадан аҳоли томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳа учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ошмаган миқдорда грантлар ажратилиши белгиланди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига аҳоли томорқаси ҳамда деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, вазирлик томонидан аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидаги ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, “Online mahalla” платформасида уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аниқ ва батафсил маълумотлар базаси шакллантирилади.

— Эндиликда аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳудуднинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда ҳар чоракда мониторинг юритилади, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бўлим бошлиғи Шерзод Отажонов. — Мониторинг давомида ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда ҳар бир аҳоли томорқасидан мақсадли ва самарали фойдаланиши, жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш бўйича ишларни ташкил этиш, юзага келаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, ажратилган ерларнинг қўшимча маълумотлари, уларда экилган маҳсулотлар ва даромад миқдорини ҳисоблаш ҳам улар зиммасига юкланмоқда.

Айни мақсадда, ҳозир вазирликнинг “Online mahalla” платформасида ҳоким ёрдамчилари ер тўғрисидаги маълумотларни киритиши учун иккита, яъни аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидаги ер майдонларида етиштирилган ҳосил бўйича алоҳида модуллар яратилган.

Ҳоким ёрдамчилари уйма-уй юриб, етиштирилган маҳсулотнинг геолокацияси ва суратларини киритган ҳолда, ҳар чоракда бир маротаба мониторинг қилиб боради. Агар фуқаро ўз томорқасига экин экмаган ёки қаровсиз қолдирган бўлса, бу йўналишда белгиланган турли имтиёзлардан маҳрум қилинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш тузилди. Кенгаш узум, шафтоли, гилос, хурмо, ўрик, майиз каби энг кўп экспортбоп маҳсулотлар билан бирга, экспорт салоҳияти юқори бўлган резаворлар, олма, нок, лимон ва бошқа мева-сабзавотлар етиштириш ҳамда экспортни ривожлантириш билан шуғулланади.

Янгийўл, Олтиариқ, Қува, Асака, Ангор, Денов, Қўшработ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бошқа туманларда алоҳида компания ташкил этилиб, уларнинг тажрибаси республикамиз туман ва маҳаллаларида татбиқ этилади. Бундан кўзланган мақсад тегишли ҳудудда аҳоли томорқалари ва узоқ муддатли ижарага берилган ерларнинг 75 фоизида бир хил тур ва стандартдаги маҳсулотлар етиштириш бўйича ихтисослашувга эришишдан иборат. Танлаб олинган ҳар бир йўналишда дастлабки босқичда 100 та маҳалладаги аҳоли томорқалари ва узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонларида ихтисослашувни чуқурлаштириш, кейинчалик улар сонини 500 тага олиб чиқиш режалаштирилмоқда.

Деҳқончиликнинг ҳам ўз илми бор. Ер билан тиллашмай туриб, юқори ҳосил олишнинг иложи йўқ. Ҳужжатда айни шу жиҳатлар инобатга олинган. Яъни энди деҳқонларга қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади. Муайян маҳалладаги 50 фоиз хонадоннинг томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста-деҳқонларга 100 миллион сўмгача субсидия берилади.

— Агар фуқаро томорқа ва ижарага берилган майдонлардан самарали фойдаланиб, юқори самарадорликка эришса, унга нисбатан молиявий рағбатлантириш чоралари қўлланилади, — дейди Ш.Отажонов. — Жумладан, “маҳалла еттилиги” кафиллиги билан барча имтиёзлар ва амалдаги солиқ ставкалари тиклаб берилади.

Шу билан бирга, ерга экин экилмаса, давлат дастурлари доирасидаги имтиёзли кредитлар берилмайди. Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган фуқаролар учун назарда тутилган имтиёзлар тўхтатилади. “Online mahalla” электрон платформаси маълумотлари асосида экин экилмагани аниқланган йил учун ер солиғи ставкаси уч карра миқдорида ҳисобланади.

Шунингдек, фармон асосида томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектларга тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, қуритиш, сақлаш ва қадоқлаш лойиҳалари учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизли пункт юқори ставкада кредитлар ажратилади.

— Молиялаштириш борасида янгича тизим жорий этилади. Унга кўра, янги кредит турлари ташкил этилмоқда, — дейди тижорат банки менежери Эркин Отабоев. — Мисол учун, аҳоли томорқалари ва ижара ерларида ихчам музлаткичли омборхоналар, қадоқлаш, қуритиш ҳамда қайта ишлаш ускуналари, тайёр ҳолдаги иссиқхоналар 24 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан лизингга берилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон деҳқон хўжаликлари томорқа ерларидан самарали фойдаланишни таъминлашга, инновацион ечимларни рағбатлантиришга, аҳоли даромадларини ошириб, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислоҳотлар самараси

Ҳозир Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон ва Уйчи тажрибалари ҳақида кўп эшитяпмиз. Уларнинг ижобий натижасини кўряпмиз, мамлакат бўйлаб оммалашаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу ўз-ўзидан эмас. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи, вазифалар тақсимлаб берилиши, доимий назорат ислоҳотларга чинакам қанот бўляпти.

Уйчи тажрибаси:
ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Масалан, Уйчи тажрибаси асосида Қумқўрғон туманини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, миграция ва камбағалликни кескин қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ҳамда томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича кенг кўламли амалий ишлар бажарилмоқда.

Айни пайтда туманда 61 та маҳалла мавжуд. Шундан 37 таси сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда биогумус тайёрлашга ихтисослаштирилган. Томорқа эгалари 45 минг 458 киши бўлиб, уларга қарашли жами экин майдони 6513 гектар.

Жумладан, тумандаги Янгиер маҳалласининг ривожланиш нуқтаси деҳқончилик ва савдо-сотиқ. Бу ерда кўплаб хонадон эгалари шахсий томорқасидан фойдаланишни асосий фаолият турига айлантирган. Маҳаллада истиқомат қилувчи Анор Холлиевага Уйчи тажрибаси асосида

60 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Кўмак натижасида аёлнинг томорқасида 10 сотихли иссиқхона қурилди. Шу асосда 12 кишининг бандлиги таъминланди.

— Фаолиятимизни айнан давлатдан кўмак олгандан сўнг бошлашга интилдим. Йиллар давомида кўп ҳаракат қилгандик. Ҳеч биримиз икки бўлмаган. Маҳалланинг Уйчи тажрибаси асосида ривожланиши бизга қўл келди. Яхши даромад топяпмиз, — дейди томорқа эгаси.

Иссиқхонада янги тежамкор технологиялар қўлланиши эса Анор Холлиева оиласига иқтисодий самара олиб келмоқда. Ундан ўрнак олиб, маҳалладаги бошқа оилалар ҳам томорқасидан миллионлаб сўм даромад топмоқда. Янгиер маҳалласида томорқа маданияти шаклланган. Фуқароларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ҳам бошқача. Шу боис, яхши яшашга интилиш кучаймоқда. Аҳоли цитрус мевалар, сабзи, шолғом, помидор, бодринг, тарвуз, қовун, картошка, сабзи каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиряпти.

— Яқинда Абдумалик Алмуродов хонадонида бўлдик. Оила аъзолари иссиқхонада қулупнай етиштириш технологиясини пухта ўрганиб, Уйчи тажрибаси доирасида имтиёзли кредит олганди, — дейди “Янгиер” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Суюн Қаршиев. — Излаган имкон, изламаган баҳона топади, дейилганича бор. Томорқадан чиққингиз келмайди. Оила аъзолари 2 йилдан бери 5 сотих ерда қулупнай ва бошқа экинлар экиб келади.

Деҳқон хўжалиги аъзоларининг таъкидлашича, бир сотих майдонга 750 туп қулупнай кўчат экилади. Мавсумда ернинг унумдорлиги, парваришига қараб, бир туп ниҳолдан 200 граммгача ҳосил олиш мумкин. Демак, бир сотих ердан бир мавсумда ўртача 130-150 килограмм ҳосил олинади. Айни пайтда бозорларимизда бир килограмм қулупнайнинг нархи 150 минг сўмгача. Энди даромадни ўзингиз чамалаб кўраверинг.

Туманда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг таклифлари ҳам ўрганилмоқда. 2024 йилда маҳаллада корхона ташкил этилиб, синтепондан кўрпа ва адёллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунинг баробарида 8 аёл иш билан таъминланди.

— Янги лойиҳамиз учун банкдан 100 миллион сўм молиявий ёрдам олдик. Бунинг эвазига нафақат ўзимиз, балки бошқалар бандлигига ҳам ҳисса қўшяпмиз, — дейди тадбиркор Ўрол Ортиқов.

Уйчи тажрибаси асосида “Янгиер” МФЙдаги ширинлик ишлаб чиқариш хусусий корхонаси 600 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий қандолатчилик ускуналари ва технологиялари билан жиҳозланди. Бу ерда ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи 50 га яқин ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида Уйчи тажрибаси асосида ўтган даврда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан 596 марта учрашув ўтказилган. Натижада 74 минг 393 та янги иш ўрни очилиши белгилаб олинган.

Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон ва Уйчи тажрибалари бўйича шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 32 та драйвер лойиҳа инфратузилмаси учун давлат бюджетидан жами 80 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши мақсад қилинган. Жорий йил якунигача эса қиймати 2 миллиард 383 миллион сўмдан ортиқ 93 та драйвер лойиҳани амалга ошириш кўзланяпти.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Уйғоқ фикр

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ИЛМ ВА ҚАЛБ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛАДИГАН ИМОРАТ

Шукрулла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

Узоқ йиллик илмий фаолиятим давомида халқимизнинг қандай тарихий синовлардан ўтиб келаётганига гувоҳ олим сифатида сўнгги йилларда мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларни кузатишдан ғурур туяман. Чунки бу янгиланишлар самарасини, чин маънода Уйғониш даврини барчамиз кўз ўнгимизда, амалда ва натижаларда кўриб, билиб турибмиз.

Бу шунчаки тилдан чиққан гаплар эмас, дил тубида илдиз отаётган ҳақиқат.

Бу юртимизда бошланган, давом этаётган янги давр асосидаги, Учинчи Ренессанс сари дадил бораётган халқимизнинг дилидаги иқрорлар.

Дарҳақиқат, ўтган икки минг йиллик бизга икки буюк Уйғониш даврини туҳфа этди — Биринчи Ренессанс даврида Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий сингари алломалар илм байроғини кўтариб чиққан бўлса, Иккинчи Ренессанс даврида Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳолар илм, адабиёт ва санъатда беқиёс ютуқларга эришди. Бу эса бизнинг давримизга келиб, Учинчи Ренессанс эҳтиёжини пайдо қилди. Шундан келиб чиқиб, Учинчи Ренессанс ҳодисаси фақатгина воқелик атамаси эмас, балки тараққиёт йўли, уйғониш чақириғи ҳамдир.

Энг эътиборли жиҳати — янги Ренессанс марказида ёшлар турибди. Чунки замонавий ислоҳотлар, аввало, ёш авлодни ўйлаб, уларни келажак бунёдкори сифатида тарбиялашга йўналтирилган. “Янги Ўзбекистон — янги имкониятлар мамлакати” тамойили ҳам оддий фикр эмас, балки юртимиздаги ҳар бир ёш учун очилган эшиклар — таълим учун яратилаётган имкониятлар, касб-ҳунар мактаблари, замонавий олийгоҳлар, нуфузли халқаро грантлар ва бошқа ташаббусларда ўз ифодасини топмоқда.

қилинмоқда. Эътибор берсангиз, “Ёшлар — келажагимиз” ғояси энди жарангдор шиор эмас, балки амалий ҳақиқатга айланиб улгурди. Бугун вазирликларда, ҳокимликларда, парламентда ёш, билимли, хорижда таҳсил олган, аммо ватанга сидқидилдан хизмат қилишни истаган йигит-қизлар сафи кенгаймоқда. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз келажагини ёшлар қўлига ишониб топшираётган, уларни юртга муҳаббат руҳида тарбиялаётганларнинг юксак жасорати натижасидир.

Дарҳақиқат, фақат ҳукумат ёки давлат органлари эмас, биз — зиёлилар, академиклар, ўқитувчилар, санъаткорлар, адабиёт аҳли ҳам бу ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишимиз шарт. Чунки Уйғониш даври фақат ижтимоий-сиёсий қарорлар ижроси эмас, онгларнинг уйғониши ҳамдир. Ҳозирги ёшларни бесамар контентлардан, ижтимоий тармоқлардан ўз тарихига, ўз илдизларига, ўз қадриятларига қайтариш — бизнинг маънавий фронтдаги долзарб вазифамиз.

Ҳамиша шуни истайманки, ҳар бир ўзбек йигит-қизи ўзига савол берсин: “Мен Учинчи Ренессансга қандай ҳисса қўша оламан?” Шундагина бу ҳаракат фақат давлатимиз ташаббуси эмас, балки бутун халқнинг ҳаракатига, масъулият чақириғига айланади. Шундагина уйғониш чуқур илдиз отади, асоси янада мустаҳкам бўлади.

Умримнинг кексалик палласини айнан мана шундай ғайрату шижоатга йўғрилган ўзгаришлар

Юртимиз ёшлари тафаккурини, илмга иштиёқини, кенг дунёқарашини кўриб, ёшликда қилган орзуларим шуларнинг сиймосида ушалганини ҳис қиламан. Ҳар бир қишлоқда кутубхона, ҳар бир мактабда компьютер синфлари, ҳар бир йигит-қизда турлича орзу-мақсадлар — булар бизнинг авлодда камёб эди.

Учинчи Ренессанс, назаримда, руҳиятни ўзгартиришдан бошланади. Ҳақиқатан, онг ўзгарса, жамият ўзгара бошлайди. Токи халқ ўз кучига, ўз ёшларига ишонч билдирмас экан, ҳеч бир ислоҳот кутилган натижа бермаслиги дунё тажрибасидан яхши маълум. Қувонарлиси, халқимиз ҳам, ёшларимиз ҳам, зиёлиларимиз ҳам бир мақсад йўлида жипслик билан бормоқда.

Бироқ айни тарихий босқичда зиёлилар профессор-олимлар, ота-оналар бир нарсани яхши англаб етмоғи лозим: биз ёшларга билимни, маданиятни, тарихий хотирани ва энг муҳими, ватанга муҳаббатни ўз ҳолида етказмоғимиз, уқтирмоғимиз керак. Чунки Учинчи Ренессанснинг асосий меъморлари — улар. Ёш авлодни кучли, баркамол ва маданиятли қилиб тарбиялаш эса бурчимиз саналади.

Бугунги янгиланишлар нафақат сиёсий-иқтисодий жабҳаларни, балки энг муҳим ва нозик соҳа — маънавиятни ҳам қамраб олаётир. Зеро, тарих гувоҳ: саноат жиҳатидан қанча қудратли бўлмасин, руҳий қувватини кучайтирмасдан ҳеч бир миллат юксала олмаган. “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси ҳам аслида мана шу ҳақиқатнинг туб фалсафасидир. Айни эслатмалар ҳар бир зиёлининг ички чақириғи бўлиши мақсадга мос — маърифат эгалари уйғонмаса, миллат уйғонмайди.

Яқинда бир гуруҳ талабалар билан эркин суҳбат қурдик. Улардан бири бундай савол берди: “Домла, сизнинг авлодингиз қандай имкониятларга эга эди?” Бир лаҳза сукутда қолдим. Сўнг “Бизда имкониятлар эмас, орзулар бор эди. Қаранг, сизларда иккаласи ҳам бор”, дедим. Шу онда талабаларнинг кўзида акс этган ҳайроналик ва фахр мен учун бугунги ислоҳотларнинг жонли ифодаси бўлиб туюлди.

Мени яна бир жиҳат жуда қувонтиради: сўнгги йилларда бошқарув тизимига ёшлар фаол жалб даврида ўтказаётганимдан фахрланаман. Ёшлар билан ишлаш, уларга илм бериш, юрт истиқболига ҳисса қўшиш имкониятим борлигидан мамнун бўламан. Бу дориламон кунлар қадрини талабаларга ҳикоя қилиб беришдан завқ туяман.

Ёшларга қайта-қайта таъкидлаб чарчамайман: улуғвор ўзгаришлар аввало, юракларда бошланади. Буни шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтаман. Жуда яхши эсимда, талабалик чоғларимиз олийгоҳнинг кичкина аудиторияларида, пастқам деворлар орасида илм ўрганардик. Дарслар кўпинча сиёсий қолипда ўтилар, саволлар беришга ҳам кўп-да журъат этавермасдик. Илм олиш дунёқарашни ислоҳ қилиш эмас, кўпроқ эслаб қолиш, ёдлаш эди. Аммо бугун бутунлай бошқа давр, бошқа шароит. Ҳозир талабалар ўз фикрини эркин баён қилади, истаганча саволлар беради, муҳокаманинг илдизини излайди. Бунинг ҳам ортида айнан эмин-эркин таълим муҳити яратиб берилгани турибди.

Бугун Ренессанс деганда, кўпчилигимиз тарихий шахсларни эслаяпмиз. Бироқ, менимча, Ренессанс аллақачон ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, устозлар ва шогирдлар юрагида ниш ота бошлаган. Эътибор берсангиз, ота-оналар болаларини хорижга ўқишга юборишдан чўчимаяпти, уларни рағбатлантиряпти. Кўп ёшлар тадбиркорлик қиляпти, ахборот технологиялари соҳасида муваффақиятга эришиб, дунёни забт этмоқда, спортчиларимиз байроғимизни юксакларда ҳилпиратмоқда. Учинчи Ренессанс нишоналари пайдо бўла бошлагани аслида шу эмасми?!

Олим сифатида эмас, ватанимнинг тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаро сифатида айтаманки, бу ислоҳотлар йўли осон эмас. Бу йўлда тўсиқлар, қаршиликлар, нотўғри тушунишлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо тарих кўрсатдики, энг гўзал рўёблар оғир машаққатлар ортидан келади. Ёш дўстларим, сизлар бугунги имкониятларни қадрланг, ундан унумли фойдаланинг. Чунки сизлар тарихий даврда яшаяпсиз. Сизлар — келажак алломалари, сизлар — эртанги Беруний, Ибн Сино, Навоий бўлишингиз керак. Бунинг учун нафақат билим, балки жасорат, поклик, фидойилик зарур. Энг муҳими, ватанни севиш лозим. Чунки Учинчи Ренессанс фақат илм билан эмас, қалб билан бунёд этиладиган иморатдир.

Юксалиш палласи

БИЛИМ ОЛМАСЛИК УЧУН БАҲОНА ЙЎҚ

БУГУНГИ ДАВР ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ ТАЛАБИНИ ҚЎЙМОҚДА

Иқтидорли ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бандлигини таъминлаш, интилишларига шароит яратиш давлатимизнинг устувор сиёсатига айланган. Ўтган саккиз йил мобайнида ёш тадбиркорлар сони уч карра кўпайиб, улар бизнес вакилларининг салкам 40 фоизини ташкил этаётгани, ишсиз ёшлар икки карра камайгани юқоридаги гапнинг яққол исботидир.

Ўз соҳаларида муваффақиятга эришаётганлар сафи эса тобора кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда дунёдаги нуфузли университетларда 1500 дан зиёд ўзбек талабаси таҳсил олмоқда. Аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 йигит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги етти йилда 2300 ҳамюртимиз шундай имкониятга эга бўлди. Илмий даражали ёш олимлар сони 4 мингдан ошди. Мутолаа маданиятини шакллантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Улғайиб келаётган авлоднинг илм эгаллашга иштиёқини ошириш учун ёшлар билан ишлаш тизими такомиллашмоқда. Президентимизнинг жорий йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан ёшларга янги имкониятлар тақдим этиладиган бўлди. Фармонга кўра, энди рейтинги юқори халқаро университетларда илмий даража олган, 35 ёшгача бўлган ёш олимларга уй-жой учун 10 йил муддатга 800 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилади. Нуфузли халқаро фан олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлганлар учун бир марталик пул мукофоти миқдори 5 карра оширилади. Энергетика, транспорт, урбанизация, замонавий архитектура, тиббиёт йўналишларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси квоталари кўпайтирилади. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўртасида муҳандислик олимпиадалари ва танловлар ўтказиш йўлга қўйилади. Ғолиб бўлган битирувчи ёшлар техника олийгоҳларига грант асосида ўқишга киради. Ҳарбий билим юртларининг намунали тингловчилари учун “Олий бош қўмондон” давлат стипендияси жорий этилади.

Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини тасаввур этиш мумкин. Шу боис, мамлакатимизда ёшлар таълимига оид бундай ишлар юзасидан фаол, зиёли ёшларнинг фикри билан қизиқдик.

“Ўқитувчилик ортидан миллиардерга айландим!”

— Тўққиз-ўн йил олдин кимдир менга ҳали шундай давр келади, имкониятларнинг кўплигидан қайси биридан фойдаланганим қулайроқ деб иккиланиб қоласан, деганида аниқ ишонмасдим. Ўзингиз ҳам гувоҳи бўлиб турибсиз, бугунги катта силжишлар ният қилганимиздан-да кўпроғини тақдим этяпти, — дейди Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг кимё фани бўйича ўқувчиларни халқаро олимпиадаларга тайёрлаш гуруҳи раҳбари, ўқитувчи Моҳира Болтаева. — Дастлаб ўқитувчилар дала ишлари, қоғозбозлик, ортиқча тадбиру мажлисларда қатнашиш мажбуриятидан озод этилди, сўнг ойлик даромади оширилди, маошнинг яна ҳам кўтарилиши муаллимнинг талабчанлиги, касбий ривожланишига боғланди.

Олдин фақат нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ўрин олганлар муносиб кутиб олинарди, тақдирланарди. Илм-фанда ютуқ билан келганларга эса, афсуски, фақат мақтов ёрлиғи топшириларди. Бугун халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўрин эгаллаганларни катта тантана билан кутиб, ўша тантанадан-да каттароқ миқдорда пул мукофотлари берилишига ўрганиб ҳам қолдик. Асосийси, бу жараён давом этяпти. Шу йилнинг 1 июнидан халқаро фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорларига тўланадиган бир марталик пул мукофотининг амалдаги миқдорлари 5 баравар оширилиши, очиғи, илм ўрганмаслик учун баҳона қолдирмаяпти.

Мана, илмнинг этагидан маҳкам тутганларга қарата “ҳозир унинг ошиғи олчи”, дейдиган кунлар келди. Энди моддий тарафлама эркинликка чиқиш, кўпроқ пул топиш учун эътиқоди ва илми суст, тинимсиз қимирлайдиган жағи ва унча ҳам ярашмайдиган қилиқлари билан танилган вайнерларга “шогирд тушиш”га эҳтиёж қолмади.

Менда ўтган нуфузли халқаро фан олимпиадаларидан жамғарилган жами пул миқдори салкам бир миллиард сўмга яқин бўлгани, менимча, кўплаб ёшларда илмга нисбатан қарашни, муносабатни ўзгартириб юборди. Энди баъзилар ўқитувчиликка нон топишнинг сўнгги чораси, кун кечиришнинг арзон йўли деб қарамайди. Шунинг ўзига қанчалар хурсандман. Тўғрисини айтсам, устозлик қилиб миллиардерга айланишнинг фахри ҳам, завқи ҳам бошқача бўлар экан. Виждоним олдида тоза эканимни, ота-онам ва яқинларимни, энг муҳими, ўзимни рози қилаётганимни англадим. Мақтанаётгандек бўлишим мумкин, бироқ гапларим самимий.

Яқин-яқингача кимё нимага керак, деган саволни деярли ҳар куни ўзимга берардим. Бу оғир эди. Ҳар тонг шу сўров қаршисида каловланиб қолмаслик учун баҳона излардим. Мен танлаган фан гўёки энг тушунарсиз ва кераксиз, бу йўналиш билан эртага на оиламни ва на ўзимни боқа оламан деб хавотирланардим. Бироқ тўпланган тажрибалар ва эришилган ютуқлар давомида саволни бошқача қўйишим кераклигини тушундим: кимё ўзи нима? У инсонга қанчалик муҳим? Бирор нарсанинг нималиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасам, у нима учун кераклиги хусусида қандай фикр юритиш мумкин ахир, тўғрими? Хўш, кимё ўзи нима?

Ушбу сўровни интернетга ёзсангиз, бир неча сонияда турли таърифлар билан минглаб ҳаволалар чиқиб келади. Мана, шулардан бири: “Кимё — табиий фаннинг энг муҳим ва кенг соҳаларидан бири бўлиб, моддаларни, шунингдек, уларнинг таркиби ва тузилишини, хусусиятларини ўрганадиган фан”.

Бироқ бу изоҳлар ниҳоятда қуруқ, ҳисдан холи. Ҳайрон бўлманг, мен фанда ҳиссиёт бўлиши керак деб ҳисоблайман. Ҳиссиёт бўлмаса, бирор фанга меҳр қўёлмайсиз — кимёни, дарсликлар ҳидини, турли минераллар, металлар қотишмаси, хуллас, ҳамма-ҳаммасини севмаганимда бугун ўқитувчи бўлмас, эҳтимол, ҳаётим бу қадар яхши тарафга ўзгармаган бўларди. Шу сабабдан кимё мен учун ҳамма нарса. Кимёни ҳаётим мазмунига айлантираётган бугунги таълимимиздаги имкониятлар учун эса одам борини бериб ишлагиси келади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“Ҳозир дангасанинг ҳам, шошқалоқнинг ҳам даври эмас”

— Яқинда ҳамкасбим шу йил ёз ойининг илк кунидан бошлаб халқаро фан олимпиадалари ғолибларига тўланадиган бир марталик пул мукофотининг амалдаги миқдори 5 баравар оширилиши ҳақидаги янгиликни ўқувчиларимга айтиб, фаолликни янаям кучайтириш лозимлигини тайинлаётганига кўзим тушди. Болаларнинг хабардан кейинги ҳолатини анча вақт кузатдим: аксариятида ортиқча фаоллик ошиб кетди, гўё пулни ҳозир оладигандек беҳаловат бўлиб, хаёллари бузилди, диққатни жамлашга қийналиб қолгач, уларга бу яратилаётган шароитларнинг навбатдагиси эканини, муҳими, эътиборни келаётган халқаро фан олимпиадаларидан узмасликни, медаллар сонини оширсак, бундан-да катта мукофотлар билан тақдирланишимизни астойдил тушунтирдим. Моддий рағбат, албатта, жуда яхши, аммо уни асосий мақсадга айлантириб, бор ғайратни шунга сарфлашга чираниш охир-оқибат зўриққан боланинг имконияти бўлиниб, майдалашиб кетишига сабаб бўлади. Ўқувчиларим ҳар нарсанинг биринчи салбий томонларини тез қабул қиладиган ёшда, ҳам ниҳоятда қизиқувчан — чалғишларини истамайман, мақсад қўйдикми, ундан бир зум оғишмай интилишда давом этишимиз керак, биздан талаб этилаётгани аслида шу, — дейди Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг биология фани бўйича ўқувчиларни халқаро олимпиадаларга тайёрлаш гуруҳи раҳбари, ўқитувчи Ҳусен Эгамов. — Шундоқ ҳам охирги йиллар атрофимизда тинмай нимадир ўрганиш кераклигини уқтирувчилар, ҳар доим замон билан ҳамнафасдек кўринадиган блогерлар, ҳар бир кунининг янги ютуқлар ва тажрибалар билан тўла эканини кўрсатиш орқали ҳаракатга чорловчи бесавод “мотиваторлар” одамларда бирор фойдали нарсадан четда қолиш қўрқувини кучайтириб юборди. Натижада фаоллик имитацияси, деган ҳолатга тушганлар сони ошиб кетди.

Фаоллик имитациясида фаолиятингиз қайсидир мақсадга хизмат қилмайди, мақсадингиз ёлғиз фаол бўлиш, бўш ўтирмаслик бўлади. Яъни ҳаракатсиз бўлишни қабул қилолмайсиз, бўш ўтирмаслик учунгина ҳаракатда бўласиз. Бу ҳолни, айниқса, кўплаб тенгқурларимда учратаман. Фаолликнинг фойдали жиҳатларига шубҳам йўқ. Аммо фаоллик имитацияси бошқа нарса. Унда кўпинча энергиямиз, вақтимиз, имкониятларимизни завқ билан эмас, балки хавотирни бостириш учун сарфлаймиз. Аммо бу хавотир нимаики қилманг, камаймайди, чунки сиздан зўрроқ туюладиганлар доим топилади. Натижада ўзимизни қийнашга ва бизга хос бўлмаган қандайдир қаҳрамон образини ясашга хизмат қиладиган эришиб бўлмас мақсадлар қўямиз. Масалан, йилига юзта китоб ўқиш, уч ойда янги тил ўрганиш, йигирма ёшгача автоуловли бўлиш ва ҳоказо...

Бир оз чалғиб кетдим, айтмоқчиманки, шоша-пиша кимдадир кўрган мақсадларни ўзлаштиришимиз, бизга мос келмайдиган ҳаётдан андоза олишга уринишимиз тўғри эмас. Аслида, кимлар биз учун намуна бўла олишини бугун халқаро майдонларда илми, закийлиги билан ғолиб бўлаётган, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда таълим олаётган, профессор бўлиб фаолият юритаётган, илм-фан инқилоби учун катта-кичик кашфиётлар қилаётган ҳамюртларимиз исботлаб беряпти. Бугун шошқалоқликнинг ҳам, дангасаликнинг ҳам даври эмас, балки мулоҳаза билан иш кўриб, ўз тафаккури ва шижоати билан юксалиш пайти.

Умуман, эътибор беринг-а, эзгу мақсаднинг бирортасида шошма-шошарлик, пала-партишликни кўрмайсиз: янги биологик тажрибалар сокинлик, хотиржамлик талаб этади. Янги фармон ва қонунлар аниқликда қабул қилинади. Ислоҳотлар изчиллик билан йўлга қўйилади. Келгуси юксак марраларга ҳам қадам-бақадам чиқилади. Тартиб, таҳлил, интизом ва шижоат тараққиётга тезроқ элтувчи сифатлар экан, хом-хатала иш қилишдан нима фойда?

Айнан илм-фан инсоният цивилизациясини етаклаб борадиган куч эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Тарихнинг қайсидир босқичида муайян тамаддун ўз замонасининг энг буюги бўлган бўлса, бунга ҳеч бир истисносиз равишда фақат ва фақат илм-фан борасида бошқалардан илғор бўлгани эвазига эришган. Биз ҳам эришамиз. Илм тарғиботидаги собитқадамлик ва журъат даражасини пасайтирмасак бас.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Азизбек ЮСУПОВ ёзиб олди.

Албатта ўқинг!

10 апрель — Абдулла Қодирий таваллуди куни

Қодирий маърифати — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий бемисл иқтидор соҳиби бўлган. У нафақат истеъдодли ёзувчи, балки шоир, драматург, ҳажвчи ва таржимон ҳам эди. Абдулла Қодирий серқирра қобилиятини, бор маҳоратини ватан озодлиги йўлида сарф этди. У ижодини ўзликни англатиш, юрт манфаати ва ёруғ келажаги учун бирлашишга бағишлади. Бунинг учун синовлардан, ҳатто жонини фидо қилишдан қўрқмади. Ҳа, Қодирий асарларида ҳақиқат, миллий қадриятларни чуқур англаш, халқ орзу-ниятларини юксак даражага кўтариш бош мезон бўлди. Бундай юксак салоҳиятли шахслар мустабид тузум учун душман ҳисобланарди. Шу боис, Қодирий сиёсий қатағоннинг ноҳақ қурбони бўлди.



1937 йил ўрталарида Ўзбекистонда маърифатпарвар жадидчилик ҳаракатининг сўнгги вакиллари, ўзбек зиёлилари, фан, адабиёт, санъат, тарих ва маданият намояндаларини маҳв этишга қаратилган “катта қирғин” кампанияси авж олди. 1937 йил 31 декабрда Қодирий ҳам “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинди. “Учлик” томонидан унга нисбатан олий жазо ҳукми чиқарилди. 1938 йил 4 октябрда ёзувчи Тошкентдаги Алвастикўприк атрофидаги қатлгоҳда отилди.

Абдулла Қодирий 1956 йилда реабилитация қилинган илк адиблардан бири эди.

Донишмандларнинг “Тоғларнинг улуғворлигини кўриш учун уларга узоқдан разм солиш даркор”, деган ҳикмати бор. Муайян маънода катта шахсларнинг буюклигини, гўзал инсоний фазилатларини кўриш, ноёб истеъдоди ҳосиласини баҳолаш, қадрлаш учун ҳам шу тамойил ўринли бўлади. Абдулла Қодирий ижодининг буюклиги ва нақадар қимматли эканини кўриш ва англаш учун эса ярим асрдан кўпроқ вақт керак бўлди.

Узоқ танаффусдан сўнг унинг “Ўткан кунлар” романи қайта нашр этилди. Халқимиз бу китобни ўзгача меҳр ва соғинч ила қарши олди ва у яшин тезлигида тарқала бошлади. Шунинг ўзиёқ Қодирий ижоди инсонлар қалбидан чуқур жой олганини кўрсатди. Шу билан бирга, мамлакатимизда Абдулла Қодирий шахси ва ижодини кенг тарғиб этиш бошланди. Айниқса, кейинги йилларда унинг кўплаб асарлари қайта нашр этилди. Мустақиллик йилларида унинг номини абадийлаштиришга эътибор қаратилди. Хусусан, Абдулла Қодирий “Мустақиллик” ордени билан тақдирланди. Бугун Тошкент шаҳридаги марказий кўчалардан бири, Чорсу яқинидаги маданият ва истироҳат боғи, Юнусобод йўналишидаги метро бекатларидан бири адиб номи билан аталган.

Янги Ўзбекистонда Қодирий том маънода иккинчи умрини яшай бошлади. Зеро, ёшларни Қодирий маърифати билан ошно қилиш, шу руҳда камол топтиришга алоҳида эътибор берилди. 2019 йилда Президентимиз ташаббуси билан Абдулла Қодирий маданият ва истироҳат боғи ёнида Абдулла Қодирий ижод мактаби ва мемориал музейи ташкил этилди. Адибнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Шунингдек, ёзувчининг Тошкент шаҳри Самарқанд дарвоза кўчасидаги уйида уй-музейи очилди.

Шу ўринда яна бир фактни таъкидлаш зарур. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Унга асосан, мамлакатимизда қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга доир ишларни ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаларидан бири сифатида шўролар давридаги сиёсий

қатағон қурбонларини реабилитация қилиш экани кўрсатилди. Шунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан мустабид совет тузуми даврида қатағонга учраган, турли сабабларга кўра, шу кунгача номлари оқланмаган юртдошларимизни расман оқлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Натижада 2021-2024 йилларда Ўзбекистон Олий суди Совет Иттифоқи даврида қатағон қилинган 1220 нафар шахсни реабилитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Олий суднинг 2023 йил 1 декабрда бўлиб ўтган мажлисида Абдулла Қодирий ҳам тўлиқ оқланди.

Қувонарлиси, Қодирий ижодий меросини халқаро миқёсда эътироф этиш ва унинг ўлмас асарларига қизиқиш ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Нью-Йоркда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган ижодий кеча ана шундай эътирофлардан бири бўлди. Мазкур ижодий кечага қатор миллатлар вакилларидан иборат меҳмонлар йиғилди. Уларнинг мақсади атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларни онгу шуури билан теран англаб, фикрларини ижоди орқали қўрқмасдан айта олган жасоратли, эрксевар инсон яшаб ижод қилган тарихий давр муҳитини ҳис этиш ва ундан ўзига хос хулосалар чиқариш эди.

“Халқаро бирдамлик” ташкилоти вакилларидан бири, асли тошкентлик Вячеслав Шатохин маданиятимиз, адабиётимиз, бутун мамлакат тарихи ва, албатта, уни яратган инсонлар ҳақида қайғурадиган одам. Собиқ ҳуқуқшуноснинг бундай фазилати тадбирдаги маърузасида ҳам ўз исботини топди. У Абдулла Қодирий адабий меросини чуқур ўрганиш ва англаш муҳимлигини қайд этиб, бундай деди: “Буюк адиб, шоир, драматург ва публицист Абдулла Қодирий ўтган асрнинг чинакам феноменал шахсидир. У ўзбек адабиёти тарихи ва тараққиётида ўчмас из қолдирди. Ёзувчи ижоди йилдан йилга оммалашиб, хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2019 йил декабрь ойида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида “Ўткан кунлар” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Романни америкалик таниқли таржимон ва тадқиқотчи Марк Риз таржима қилган. У илк бор инглиз тилида АҚШда нашр этилди”.

Тадбирда Ўзбекистоннинг БМТдаги ваколатхонаси маслаҳатчиси, “Маҳалла АҚШ”, “Уруш болалари”, “Оталар чойхонаси”, “Додалар чойхонаси” уюшмалари вакиллари, ижодкор зиёлилар иштирок этди.

Ижодий кечада “Халқаро бирдамлик” ташкилоти президенти Абба Приева, профессор Шоҳиста Мақсумова, Хуршид Қодировнинг чиқишлари ҳам тингланди.

Тадбир доирасида режиссёр Равшан Асқаровнинг адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган “Қодирий” ҳужжатли фильми премьераси бўлиб ўтди. Мазкур фильм Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан Бош прокуратура, шунингдек, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди ҳамкорлигида яратилган. Фильм тарих фанлари доктори, профессор, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи раҳбари Бахтиёр Ҳасановнинг 2020 йилда уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) нашр этилган “Абдулла Қодирийни эслаб” китоб-альбоми асосида суратга олинган.

Ушбу китоб-альбомнинг Конрад Аденауэр фондининг (Германия) Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси кўмагида нашр этилгани ҳам Абдулла Қодирийни жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётганидан далолат, десак муболаға бўлмас.

Намойишдан сўнг аксарият иштирокчилар фильм ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашди. Улар юксак маҳорат билан яратилган бу асар юртимиз тарихига бир муддат қайтаргани, ўша даврга, одамлар ва воқеаларга фильм ижодкорлари нигоҳи билан қараш имконини беришини эътироф этди.

Қодирий ўз асарларида нафақат миллий, балки умумбашарий қадриятларни тараннум этган. Шу боис, унинг ижоди ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди. Токи мустақиллик, инсон қадри, халқ манфаатлари, комил инсон тарбияси ва ўзликни англаш иштиёқи бор экан, улуғ адибнинг ижодига эҳтиёж сезилаверади.

Ана шундай улуғ адибнинг халқаро майдонда тан олиниши, тарғиб қилиниши эса Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, умуман, Абдулла Қодирий ижодининг бутун дунёдаги чинакам мухлислари қалбида ғурур ва ифтихор уйғотади.

Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори ўринбосари



Энг аввалги сўз

(“Сўз латофати” китобидан)

Холиқи оламнинг Бўл деган сўзидан борлиқ яралган, инсон бунёдга келган. Одамзод тилга кириб, у айтган биринчи сўз нима эди? Бу саволга жавоб ҳеч бир китобда йўқ. Олимлар инсониятнинг илк сўзлари товушга тақлидан пайдо бўлган, дейдилар. Дарҳақиқат, қадимги аждодларимиз тоғдан шовуллаб тушган сувни шовва, шар-шар тўкилганини шаршара деган. Қушларнинг чурқ-чурқ қилгани чумчуқ, лак-лак қилгани лайлак (аслида, лаклак), қағиллагани қарға бўлган. Ғоз, читтак, чуғурчуқ, чағалай, олашақшақ, какку, ғулғул товуқ (курка), жиблажибон... саноқни давом эттириш мумкин. Лекин қуш номлари ичида энг гўзали бул-бул дея ёқимли сайраган булбулдир.

Инсон бора-бора ўзи ясаган буюмларга ҳам шу тарзда ном берган. Тўқиллаб урилгани **тўқмоқ,** туёқ остида тақиллагани **тақа,** зангиллаган қўнғироқ **занг** аталган. Энг муҳим хабарлар элга ноғора чалиб етказилган. **Данғиллаган** бу садо ҳам сўзга айланди. Кимнинг номи элга ноғора бўлса, у **данғ** чиқарди. Тилимиз майинлашиб **боринғ, келинғ** ўрнига **боринг, келинг** дейдиган бўлдик ва **данғ** ҳам **донг** билан алмашди. Биз бугун шуҳратли одамни **донгдор** деймиз, донг таратган деймиз. Лекин эл ичида **донг** чиқарган уй **данғиллама** бўлиб аслича қолди. Қирғиз тилида ҳам бу сўз **данғ** деб айтилади. Лекин маъно товланишида озгина фарқ бор: шон-шараф, олқиш мазмунида қўлланади.

Қирғиз кўчаларида **Эмгекка данғ, Элжуртқа данғ** каби шиорларни кўрасиз. **Яшасин меҳнат, яшасин эл-юрт** дегани. Буларнинг бари ўша ноғора садосидан туғилган сўзлар.

Юртимизда юз минг йил муқаддам яшаган неандертал одамнинг тарих музейимиздаги қиёфасига қараб яна ўзимга савол бераман. Расмана инсонга айланмаган бу ибтидоий онг эгасининг биринчи сўзи нима эди? Хаёлимга келган жавоб шу бўлди: у тошни тошга уриб **чақ** этган товушни эшитгану **чақ** дея овоз чиқариб ўзининг биринчи сўзини айтган. Тошни тошга чаққан, кейинроқ тош билан данак чаққан, ёнғоқ чаққан, боласига ҳам **чақ** деб буюрган.

Бора-бора тошдан ўт чиқариб, уни ҳам **чақ** деди. Кўкда чақ этиб ёнган олов хам **чақ** бўлди. Кейинчалик **чақмоқ, чақин, чақмоқтош** сўзлари пайдо бўлди.

Тош бир-бирига урилганда, учган ери **чақа.** Тошга қоқилганнинг оёқ бармоғи чақа. Кўп гапирганнинг тили **чақа.**

Тош майдалаб **чақа** деган инсон учун ҳамма майда нарсалар **чақа** бўлди. Пул майдалаб: **чақа** деди. Майда боласини **бола-чақа** деди. Энг майдаси **чақалоқ** бўлди.

Тараққиёт инсонга ақл ва заковат берди. Заковатли инсон тош чақишни қўйиб, **гап чақишга** ўтди. Тошдан учқун чиқарган бўлса, гапдан ўт чиқарди. Гап чақиб, ўз қардошининг уйини куйдирди.

Гап чақувчининг оти ҳам **чақ**дан узоқ кетмади. Уни **чақимчи, чақмачақар** дедилар. Чақимчининг ниши илоннинг тишидан оғриқли ва хатарли. Ари, илону чаённинг наштар уришини ҳам бесабаб **чақиш** демаганлар. Демак, чақимчи билан газанданинг ҳунари бир.

Чақмачақарнинг ҳам катта-кичиги бўлар экан. Бировнинг гапини бировга айтса, бу **чақимчилик,** инсоннинг гапини юқорига, подшоликка ёки ҳукуматга етказса, **чақув** бўлади. **Чақув** олдида **чақмачақарлик** ҳолва бўлиб қолди. Чақимчиликдан бир инсонга озор етса, чақувдан юз мингларнинг ёстиғи қуриган.

Чақув давлат сиёсати даражасига етиб, чақувчи тенгсиз қудрат соҳиби бўлган замонларни кўрди жафокаш халқ. Бир имзосиз мактуб инсоннинг эмас, бутун бир авлоднинг, уруғ-аймоқнинг хонумонига ўт қўювчи гугурт бўлди. Инсон гугурт ёндиришни ҳам **гугурт чақиш** деди.

Одам боласининг бир ожизлиги бор. Биров ҳақида ортдан ёмон сўз айтиш гуноҳ эканини билади-ю, ўрганган одатини йўқотолмайди. Бировни сиртдан қоралаб роҳат қилади. Суҳбатнинг ширини ғийбат, дейдилар ҳазил қилиб. Лекин бу гапда ҳазилдан чин кўпроқ. Ғийбат ҳам чақув, бировни бировга эмас, бировни ҳаммага чақув демакдир. Биз бундай ширин суҳбатнинг номини **чақчақлашув** деймиз.

Башарият тош чақишдан **сўз мағзини чақиш**гача бўлган масофани миллион йиллар ичида босиб ўтди. Биз ҳам сизлар билан **чақ** сўзининг аччиққина мағзини чақдик, **чақ** тўғрисида **чақчақлашиб** олдик.

> БАШАРИЯТ ТОШ ЧАҚИШДАН СЎЗ МАҒЗИНИ ЧАҚИШГАЧА БЎЛГАН МАСОФАНИ МИЛЛИОН ЙИЛЛАР ИЧИДА БОСИБ ЎТДИ. БИЗ ҲАМ СИЗЛАР БИЛАН ЧАҚ СЎЗИНИНГ АЧЧИҚҚИНА МАҒЗИНИ ЧАҚДИК, ЧАҚ ТЎҒРИСИДА ЧАҚЧАҚЛАШИБ ОЛДИК.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:40